

У-362

9584

P-18



Қахрамон Ражабов

Шермухаммадбек

TÜRKİSTAN İSTİKLAL
MÜCADELE BAŞ KUMANDANI
GAZİ ŞER MEHMET BEK
78.YAŞIDA 10 MART 1970
TARİHİNDE HAKKIN
RAHMETİNE KAVUŞMUŞTUR

ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ

Шермухаммадбек

(рисола)

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2011

УДК 94(575)(092) Шермухаммадбек
ББК 63.3(5У)6
Р17

Лойиҳа муаллифи:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:
тарих фанлари доктори, профессор Р.Т. Шамсутдинов

Ражабов, Қаҳрамон.

Шермухаммадбек (рисола) / Қ. Ражабов; лойиҳа муаллифи Қ.К. Ражабов. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2011. – 56 б. – (Тарих ва тақдир).

Мазкур тарихий рисолада Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири, машҳур қўрбоши Шермухаммадбек хусусида сўз боради. Муаллиф архив ҳужжатлари, ўша давр матбуоти материаллари, замондошларининг хотиралари ҳамда бошқа маълумотлар асосида Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун курашган машҳур қўрбошининг тўлақонли сиймосини яратган.

Ушбу рисола кенг китобхонлар оммасига мўжалланган.

УДК 94(575)(092) Шермухаммадбек
ББК 63.3(5У)6

Сўзбоши

Туркистон мустақиллиги учун совет режими ва қизил армияга қарши курашган фидойи инсонларнинг жасорати орадан қарийб бир аср ўтган бўлишига қарамасдан бутунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек халқининг ўн минглаб ўтлонлари бопқа туркий халқлар вакиллари билан биргаликда 1918–1935 йилларда Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун совет режимига қарши фидокорона курашдилар. Бу кураш, хусусан, Фарғона водийси ва Шарқий Бухорода жуда кучли бўлган. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли намоёндаларидан бири марғилонлик Шермуҳаммадбек кўрбоши (1893–1970) саналади. У 1918–1922 йилларда Фарғона водийсидаги миллий озодлик ҳаракатининг етакчи раҳбарларидан бири, истиқлолчиларнинг тан олинган ҳарбий қўмондони эди.

Ушбу сатрлар муаллифи 20 йилдан ортиқ вақт давомида Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати тарихи, ҳаракатнинг ҳарбий ва ғоявий раҳбарлари фаолияти, хусусан, кўрбошиларнинг мураккаб ва зиддиятли тақдирини ўрганиб келмоқда. Кўп йиллик илмий изланишлар натижасида бу мавзуда 1995 йили номзодлик, 2005 йили эса докторлик диссертациялари химоя қилинди. Чоп этилган турли рисола, монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларида бу муаммонинг турли жиҳатлари кўрсатилди. Бироқ Шермуҳаммадбек фаолияти бу асарларда баъзи сабабларга кўра тўлиқ ёритилмаганлигини бир ўкинч билан айтиб ўтиш лозим. Ниҳоят, Шермуҳаммадбек кўрбоши ҳақидаги айрим материаллар умумлаштирилди ва мазкур тарихий рисолага тартиб берилди.

Шермуҳаммадбек кўрбоши фаолиятини тарихий манбалар асосида ҳолис ўрганиш бутунги ёш авлод учун ибрат намунасини ўтайди, деган умиддамиз. Шермуҳаммадбек ҳаёти ва фаолиятида биз учун айни пайтда сабоқ чиқарадиган аччиқ тажриба ва ўрнатқ бўларлик турли жиҳатлар мавжуд.

Шермуҳаммадбекнинг болалиги

Шермуҳаммадбек (архив ҳужжатлари ва совет адабиётларида Шермат кўрбоши ёки Кўршермат [унинг чап кўзига ўқ текканлиги учун шундай ном беришган]) ҳозирги Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Гарбува (Гарбобо, Карбобо) қишлоғида, беклар авлодидан бўлган Қўшоқвой ҳожи хонадонида, 1893 йилда туғилди. Бироқ Иброҳим Ёркин (1902, Тошкент – 1993, Анқара) «*Türk kulturu*» тўпламида Шермуҳаммадбекнинг вафотига бағишлаб ёзган мақола-некрологидан уни 1889 йилда туғилган деб янглиш кўрсатади. (Бу ҳақда қаранг: *Ibrahim Yarkin. Turkistanin Buyuk Mucahidi // «Türk kulturu». Sayı 91. 1970. S. 495–499*). Қўшоқвой ҳожининг ота авлодлари Қўқон хонлари ҳузурида вазирлик, беклик қилишган бўлса, онаси Ойдин оғоча Кошғардан келиб бўлиб тушган эди.

Шермуҳаммадбекнинг Тожмуҳаммадбек, Рўзимуҳаммадбек деган акалари, Нурмуҳаммадбек ва Тошмуҳаммадбек исмли укалари ҳамда Сарвинисо ва Тўфихон исмли сингиллари бўлган. Унинг онаси Фазилатхон ая Қўшоқбек ҳожининг кенжа хотини эди. Шермуҳаммадбек оилада учинчи фарзанд бўлиб, дастлабки таълимни қишлоғида, кейин Марғилонда олган. Шермуҳаммадбек ёшлигидан илмга чанқоқ, аини пайтда жангари ва жасур йигит бўлган. У кўп ўқиган, шунинг учун ҳам аждодларга ҳурмат ва мустамлакачиларга нафрат руҳида тарбияланган.

Қўшоқвой Марғилон яқинидаги Қумариқ қишлоғи аминини бўлган. Унинг отаси Абдурахимбек Қўқон хони Худоёрхон саройида хизмат қилган. Туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчининг ёзишича, Қўшоқвой ҳожи 1915 йили Ҳижоз ўлкасидан – Ҳаж зиёратидан қайтиб келаётган пайтда Қиримда вафот этган. Айрим маълумотларга кўра, Қўшоқвой ҳожи Ҳаж зиёрати пайтида Мадинада ўлган. У Истанбулда вафот этган деган фикр ҳам бор. Ота беш ўғлига ўлкадаги Россия мустамлакачилиги зулмига қарши кураш олиб боришни васият қилган.

Хуллас, отадан ўғилларга мерос бўлиб ватанпарварлик туйғуси қолган.

Шермуҳаммадбек камган ва адолатлиеша шахс эди, деб хотирлайдилар Фарғона қариялари. У дастлаб деҳқончилик билан машғул бўлиб, мироблик қилади. Аҳмад Закий Валидий кейинчалик ўзининг «Хотиралар» номли китобида ёзишича, Шермуҳаммадбек 1916 йилда Россия империяси томонидан мардикорликка олинган ва уруш марраларида ишлаш учун сафарбар қилинган кишилар қаторида Польша фронтига ташланган. Шермуҳаммадбек 1916 йилдаги қўзғолонда ҳам фаол қатнашган.

1917 йил баҳори ва ёзида Фарғона водийсида бўлган сиёсий жараёнларда Шермуҳаммадбек фаоллик кўрсатган. 1917 йил ёзида Тошлоқда бўлган сайилда Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари маҳаллий аҳолига қарши ўқ отишган. Бу даврда бошланган халқнинг норозилик чиқишларига Шермуҳаммадбек раҳбарлик қилган.

Қўрбошилар ким бўлган?

Шарихий адабиётларда яқин пайтларгача қўрбошилар хусусида турли фикрлар келтирилиб, улар «босқинчи ва каллакесар» сифатида тасвирланган. Қўрбошиларнинг ҳарбий фаолияти ҳам бузиб талқин этилган. Аслини олганда туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқининг ҳарбий санъати тарихида қўрбошилар муҳим роль ўйнаган. Даставвал, *қўрбоши* тарихий ҳарбий атамасининг маънолари хусусида. *Қўрбоши* сўзи ўзбекча *қўр* + *боши* сўзларидан ясалган. Қўрбошилар қуйидаги лавозимларда ишлаганлар:

1) Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи миршаб; сўнгра қурол-яроғ омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроқлар ва тўп ясаш корхоналари (қўрхона) бошлиғи. Қўқон хони Худоёрхон даврида қўрбоши қўрхона, милитқхона, тўпхоналарга раҳбарлик қилиб, у хом ашё топиб келишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан тарқатишгача бўлган жараёнга бошчилик қилган. Масалан, Бахти Муҳаммад қўрбоши бошчилигида европача қуроллар (фаранг милтиғи), тўплар, жазойиллар ва уларнинг ўқлари, ўқ қутилари, тўп аробалари ва қурол-аслаҳаларнинг эҳтиёт қисмлари иш-

лаб чиқарилган. Бу даврда қўрбоши йилига саройдан 400 тапга маош олган.

2) Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи. Масалан, Қўқон ва Марғилонда 1917 йилда шаҳар миршабларининг бошлиғи қўрбоши деб аталган.

3) Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат ҳарбий раҳбарларининг унвони. Қўрбошилар истиқлолчиларнинг тан олинган етакчилари бўлиб, улар нуфузли кишилар ҳисобланган. Қўрбошилар сиймосида беклар ва уламолар билан бир қаторда ботир ва жасур йигитлар тимсоли мужассамлашган эди. Хуллас, улар халқнинг турли табақалари орасидан чиққан обрўли шахслар бўлишган. Қўрбошилар ичида ҳатто аёллар ҳам бўлган.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки давлари (1918–1922 йиллар)да қўрбоши даражасининг мақоми генерал унвонига тенг бўлиб, улар қўл остидаги ўз йигитлари томонидан сайланган ва истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондон томонидан тасдиқланган. Бу унвонга фақат 5–6 минг кишилик йирик ҳарбий қўшилмаларнинг раҳбарларигина сазовор бўлган. Кейинчалик эса 100–150 йигитга бошчилик қилган дала командирлари ҳам ўзларини қўрбошилар деб эълон қилишди.

Фарғона водийсида Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Ислон Полвон, Ёрмат Махсум, Муҳиддинбек, Парпи қўрбоши, Омон Полвон, Раҳмонқул, Самарқанд вилоятида Очилбек ва Баҳромбек, Бухоро республикасида Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор, Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Ҳамро Полвон, Ўрмон Полвон, Эшон Султон, Хоразм республикасида Жунаидхон ва Темир Алихон сингари ҳарбий қўмондонлар, шунингдек, Нодири киз, Шакархон каби аёллар Туркистон қўрбошиларининг энг машҳур намоёндалари ҳисобланади.

Туркистон fronti қўмондонлиги ва большевиклар қўрбошиларга қарши шафқатсиз жазо чораларини қўллашган. РСФСР ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссари Л. Троцкий (1879–1940) 1922 йил июнда Фарғона водийсига келганида қўрбошиларни аёвсиз қириш тўғрисида махсус кўрсатма берган. 1923 йил ноябрда Фарғона вилоятида қамокқа олинган 181 та қўрбошининг иши ҳарбий трибуналга топширилиб, улар қатағон қилинган.

Хуллас, мустабид совет режими даврида коммунистик маф-
куранинг таъйиқи билан қўрбошилар қароқчи ва каллакесар
ҳамда халқ душмани сифатида талқин қилинди. Қўрбошилар
жисмонан маҳв этилган бўлсалар-да, уларнинг хотираси ҳам оёқ
ости қилиниб, ҳатто бу сўз «босмачи» ибораси сингари фақат
салбий маънода ишлатилди.

Коммунистик мафкуранинг бу таъйиқларига қарамай XX аср
жаҳон тарихшунослигида қўрбошилар фаолияти тўғрисидаги
ҳолис ҳақиқат қийинчилик билан бўлса ҳам қарор топа бошла-
ди. Хусусан, ўзбек тарихчилари XX аср охири ва XXI аср бошла-
рида қўрбошиларнинг зиддиятли ва фожиаали фаолиятини ёри-
тишда салмоқли муваффақиятларга эришдилар.

Франциялик йирик археолог ва тарихчи олим Жозеф
Кастанье «Босмачи» (Париж, 1925) асарида Туркистон минта-
қасидаги 62 нафар йирик қўрбошиларга махсус таъриф бер-
ган. Туркиялик тадқиқотчи Абдуллазода Тукли «Фарғона
муҳоҳидлари» («Янги Туркистон» журнали, Истанбул, 1928 йил,
8-сон) асарида Шермуҳаммадбек бошчилигидаги 8 минтақа
қўмондонлари қўл остида ҳаракат қилган 65 нафар қўрбошининг
исми-шарифини келтиради. Унинг таъкидлашича, Фарғона
муҳоҳидлари орасида генерал унвони соҳиби бўлган 125 нафар
йирик қўрбоши бор эди. Бошқа бир турк иқтисодчи ва тарих-
чиси Али Бодомчининг «1917–1934. Туркистон миллий истиқлол
ҳаракати. Қўрбошилар ва Анвар Пошо» (I жилд: Истанбул, 1975;
I–II жилдлар: Истанбул, 2008) номли икки жилдлик йирик аса-
рида Фарғона водийсида Шермуҳаммадбек раҳбарлигидаги 9
нафар қўмондон ва 78 нафар йирик қўрбоши, шунингдек, 150
нафар таниқли понсод, Шарқий Бухорода Иброҳимбек бошчи-
лигидаги 27 нафар, Самарқанд вилоятидаги 8 нафар, Хоразмдаги
3 нафар қўрбоши, ҳуллас, Туркистон минтақасидаги 125 нафар
йирик қўрбошилар ва 150 нафар понсодлар ҳақида муҳим маъ-
лумотлар мавжуд. Хорижда муҳожирликда яшаган ватандошлар-
римиздан Боймирза Ҳайит (1917, Наманган – 2006, Германиянинг
Кёльн шаҳри) «Туркистон Русия ила Чин орасинда» (Истанбул,
1975), «Туркистон давлатларининг миллий мужодалалари тари-
хи» (Анқара, 1995), «Босмачилик. Туркистон миллий мужодала
тарихи (1917–1934)» (Анқара, 1997) ва бошқа асарларида фақат
Фарғона водийсида ҳаракат қилган 9 нафар лашкарбоши ва 69
нафар йирик қўрбоши фаолияти ҳақидаги маълумотларни кел-

тиради. Шаҳобиддин Яссавий Исмоилшайх ўғли (1919, Туркистон – 2010, Истанбул) эса «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» (Истанбул, 1984; 2-нашри) асарида Туркистонда фаолият кўрсатган 114 нафар кўрбошига махсус таъриф беради.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан кейин олиб борилган тадқиқотлар натижасида ушбу сатрлар муаллифи томонидан Туркистон минтақасида қизил армияга қарши кураш олиб борган мингдан ортиқ кўрбошилarning номлари илк бор тикланди ва уларнинг ҳарбий фаолияти ўрганилди.

Хуллас, Туркистон мустақиллиги учун совет режими ва қизил армияга қарши курашда истиқлолчилик ҳаракатининг ҳарбий йўлбошчилари – кўрбошилар муҳим роль ўйнашган. Ана шундай кўрбошилардан бири Шермуҳаммадбек ҳисобланади. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарлари ўртасида Шермуҳаммадбек кўрбоши алоҳида ажралиб туради.

Ҳарб майдони сари

Шермуҳаммадбек Фарғона водийсида совет режимида қарши миллий озодлик учун курашнинг илк босқичидан бошлаб жанг майдонига кирган. У Каита Эргаш (тахминан 1882–1921) ва Мадаминбек (1892–1920) каби кўрбошилarning ўринбосари сифатида истиқлолчилarning тан олинган йирик лашкарбошиси эди. У кураш майдонига қадам қўйган илк кунлардан бошлаб «Туркистон – туркистонликларнинг юртидир, унга бошқа ҳеч кимнинг эғалик қилишга ҳаққи йўқ!» – деган шiori ўртага ташлаган. Унинг асосий мақсади Туркистонда ислом жумҳуриятини ташкил қилиш бўлган. Мадаминбек либерал йўлбошчи бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек кескин ҳаракат қиладиган радикал кўмондон эди.

(Шермуҳаммадбек фаолияти бугунги кунда республика-мизда нашр қилинган айрим китобларда бузиб кўрсатилмоқда. Файласуф И. Каримов ўзининг «Мадаминбек» номи асарида Туркистон мустақиллиги учун курашган бу фидойи инсонни Кўршермат деб таҳқирлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки у кўрсатган жасоратларни сохталаштиради ҳам. Мадаминбекдан ташқари Фарғонадаги бошқа кўрбошилар ҳақида тухматомуз фикрлар тикилиб ётган, коммунистик ғоя ва синфийлик руҳи

билан суғорилган бу китоб Мустақиллигимизнинг 9-йилида нашр қилинганлиги ажиб ҳолдир. Бу ҳақда қаранг: Иброҳим Карим. Мадамминбек. – Т.: Шарқ, 2000.)

Шермуҳаммадбекнинг сиёсий қиёфаси муҳолифлар томонидан у қуролини ҳали таъсаламаган пайтдаёқ қуйидагича чизилган эди: «Кўршермат (Шермуҳаммадбек – Қ.Р.) – миллати сарт (ўзбек – Қ.Р.) бўлиб, барча қўрбошилarning энг ғайратли ва қатъиятлиси ҳисобланади. Жангда жуда жасур, қўл остидагиларга нисбатан талабчан ва русларга (рус босқинчиларига – Қ.Р.) шафқатсиз. У аҳоли ўртасида гоҳат катта обрў-эътибор ва шухратга сазовордир». (Қаранг: Краткий очерк возникновения и развития басмачества в Фергане. По данным к 1-му марта 1922 г. – М.: Изд. Штаба РККА, 1922. – С. 32.)

Тарихчи олима Д. Зиёева «Туркистон миллий озодлик ҳаракати» номли китобида XX аср 20-йилларида матбуот саҳифаларида кўзғолончилар, хусусан, Шермуҳаммадбекнинг ишорлари ва мақсадлари ҳақида чоп этилган қизиқарли маълумотларни келтиради. Унинг кўрсатишича, Антонов «Красная Фергана» газетаси (1921 йил 17 май)да шундай ёзади: «Босмачилар қўмондони Кўршермат (Шермуҳаммадбек – Қ.Р.) совет ҳокимиятидан тўлиқ мустақиллик... ва, умуман, Россиядан ажралишни талаб қиляпти... Унинг бу талаби РКПнинг миллий дастурига мос келадиган яхши ният, деб ўйлаш мумкин. Унинг чақириқларида миллий ҳаракат асослари яққол кўриниб турибди». И. Сольц худди шу газетада эълон қилган «Кўршермат ва автономия» сарлавҳали мақоласи (1921 йил 10 июл)да қуйидагича ёзади: «Кўршермат (Шермуҳаммадбек – Қ.Р.) ишчи-деҳқон ҳукуматига таъна қилиб, 15 кун ичида Туркистон учун мухторият беришни талаб этмоқда». Верин ҳам шу газета (1921 йил) да қуйидагиларни таъкидлайди: «Кўршермат (Шермуҳаммадбек – Қ.Р.), Оллоёр, буржуазия, руҳонийлар вакиллари биздан миллий-маданий мухторият, шариат, ислом, урф-одат ва анъаналар дахлсизлигини, ҳаётни бузишни тўхтатишни талаб қилдилар».

Шермуҳаммадбек фаолиятига унинг ашаддий ганимлари томонидан берилган бу баҳолар ва эътирофлар тўғри эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Шермуҳаммадбек – Олий бош қўмондон

Мадаминбек қизил армияга қарши курашдан четлашгач, 1920 йилнинг эрта баҳоридан бошлаб Шермуҳаммадбек Фарғона водийсидаги қуроли ҳаракатнинг Олий бош қўмондонини қилиб сайланди. Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон – турк мустақил ислом жумҳурияти ёхуд Туркистон муваққат ҳукумати (1920 йил 3 май)нинг тузилиши водийдаги кўзғолончиларни қайта бирлаштириш ва совет режимига қарши ҳал қилувчи жанглар сари бошлаш учун муҳим ўрин тутди.

Шермуҳаммадбек бу пайтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳамда Самарқанд вилоятида ҳаракат қилаётган истиқлолчилар билан алоқаларни йўлга қўйди. Анвар Пошо (1881–1922) ва Жунаидхон (1857–1938) билан уч томонлама ҳамкорлик ўрнатилди. Шунингдек, Шермуҳаммадбекнинг Шарқий Бухоро қўрбошилари Иброҳимбек (1889–1932) ва Фузайл Махдум билан муносабатлари яхши бўлган. Афғонистон ва Туркия билан ҳам алоқалар жонланган.

Большевикларнинг маддоҳларидан бири эътироф қилишича, улар учун «Мадаминбек қўрбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек, шубҳасиз, энг хавфлиси эди». (Қаранг: Кувшинов В. Ферганский район. // Военная мысль. 1920. Кн. 1. С. 260.)

Шермуҳаммадбек Туркистон минтақасининг барча аҳолисига қилган мурожаатида қуроли кураш моҳиятини шундай ифодалаган эди: «Большевиклар алдайдилар ва ўлдирадилар. Барча давлатлар большевикларни тугатиш учун уларга қарши курашмоқдалар. Туркистон халқига ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилганида эди, биз курашмаган бўлардик. Туркистонга ўз ҳуқуқи берилмас экан, биз ҳуқуқ ва виждонимиз, ор-номусимиз учун сўнги томчи қонимиз қолгунича большевиклар билан кураш олиб бораверамиз». (Қаранг: Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-руйхат, 44-иш, 45-варақ; Норжигитова Н.А. Туркистонда «босмачилик ҳаракати» тарихшунослиги (совет даври). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 1995. – Б. 69.)

Хуллас, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига Шермуҳаммадбек раҳбарлик қилиши билан қизил армия-

га қарши кураш 1920 йил ўрталарида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Курашнинг бу босқичида у яна ҳам шафқатсиз ва мурасасиз тус олди. Бу ҳолат қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, 1920 йил баҳори ва кузидан бошлаб Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги истиқлолчилик ҳаракати билан бир қаторда эндиликда аввал Хоразм республикасида, сўнгра Бухоро республикасида ҳам босқинчи қизил армияга қарши қуролли ҳаракат бошланди ва қисқа муддатда авж олиб кетди. Иккинчидан, истиқлолчилик ҳаракатининг янги босқичи ўзига хос хусусиятга эга бўлган мураккаб ва зиддиятли даврни ўз ичига олган эди. Ҳаракатнинг аввалги босқичларида большевиклар ҳукуматига қарши чиққан кўзғолончилар туб ерли аҳоли вакилларида иборат бўлиб, улар асосан россияликлардан ташкил топган қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар, яъни бу маҳаллий халқ билан босқинчилар ўртасида ҳаёт-мамот кураши бўлган эди.

Большевиклар ҳукуматида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларнинг маҳаллий аҳоли вакиллари қизил армия сафига чақириш ҳақидаги талаблари дастлаб Бутун Россия ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) ва Тошкентдаги совет ҳукумати томонидан инобатга олинмади, сирасини айтганда, улар туб ерли аҳоли вакиллари қўлига қурол беришдан чўчидилар. Натижада ҳаракатнинг дастлабки босқичлари моҳият нуқтаи назаридан олганда ҳам том маънода босқинчиларга қарши миллий истиқлол учун кураш бўлган эди.

Марказий ҳукумат раҳбарлари ва унинг Туркистондаги таянчлари фақат 1920 йилнинг ўрталаридагина бу ҳақиқатни тушуниб етдилар. Маҳаллий аҳоли вакиллари қизил армия сафларига қабул қилиб, уларни кўзғолончиларга қарши қўйиш билан бу кураш моҳиятини ўзгартиришга, Туркистон халқини Россиядаги каби фуқаролар уруши гирдобига тортишга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда Туркистон fronti қўмондони М. Фрунзе 1920 йил 7 майда қизил армия сафларига маҳаллий миллат фуқароларидан 30 000 кишини олиш тўғрисида буйруқ чиқарди. (М.В. Фрунзе на фронтах гражданской войны. Сборник документов. – М.: Воениздат, 1941. С. 278; РГВА, 110-фонд, 5-руйхат, 585-иш, 224–225-варақлар.)

Лекин бу билан масала улар ўйлаганидек ҳал бўлмади. Қизил армия сафида қуроли муҳолифатга қарши жанг қилишни ис-тамаган чақириқ ёшидаги минглаб эркаклар истиқлолчилик ҳаракати (қўзғолончилар) қаторини тўлдирдилар. Аини пайтда совет ҳукумати ташвиқотларига ҳамда большевикларнинг ба-ландпарвоз ваъдаларига ишонган юзлаб маҳаллий аҳоли вакил-лари эса қизил армия сафига кириб, ўз халқига қарши кураш-дилар.

Бундан ташқари, Хоразм ва Бухоро республикаларида ву-жудга келган янги ҳукуматлар миллий кучлар қўлида эди. Бироқ бу миллий кучлар совет Россияси манфаатларига бўйсунингга, ўз мамлакатлари ҳудудида қизил армия қўшинларини сақлаб туришга мажбур бўлдилар. Хоразм ва Бухорода истиқлол учун курашни изчил давом эттираётган муҳолифат ҳарбий кучлари ҳам совет Россияси ҳарбий қисмларига қарши, ҳам янги мил-лий ҳукуматга қарши кураш олиб боришларига тўғри келарди. Оқибатда шу даврдан эътиборан қуроли ҳаракатнинг мазмуни сал ўзгачароқ рух касб эта бошлади, кураш яна ҳам шифқатсиз ва мурасиз тус олди.

Туркистон фронти қўмондони М. Фрунзе 1920 йил 15 май-да Фарғона вилоятидаги 2-Туркистон ўқчи дивизияси команди-ри Н.А. Верёвкин-Рохальский номига буйруқ юбориб, қуроли ҳаракатга қарши кураш тактикасини ўзгартириш ва уларни ёп-пасига кириб ташлаш вазифасини қўйди. Россия давлат ҳарбий архиви ҳужжатлари (РГВА, 110-фонд, 3-руйхат, 290-иш, 128-варақ; 235-иш, 40–45-варақлар ва б.)да кўрсатилишича, М. Фрунзе «қўрбошилар билан музокаралар олиб боришни тўхтатишни, бос-мачи шайкалар таркибига кирган ҳар қандай шахслар халқ душма-ни сифатида отиб ташланиши»ни буюрди. 1920 йил 28 майда М. Фрунзенинг буйруғи билан қўзғолончиларни қиришга мўлжал-ланган махсус жанговар учар отрядлар тузилди. Шу билан бир қаторда яна махсус жазо отрядлари ташкил қилиниб, улар ҳам Фарғона водийсига ташланган эди.

Шундай қилиб, Туркистон комиссияси ва Туркистон фронти раҳбарлари қуроли муҳолифатга қарши кураш стратегияси ва тактикасини тубдан ўзгартириб, кечагина ўзлари эълон қилган сиёсий тадбирлар, кураш қатнашчиларини тинчлик йўли билан ўз томонларига оғдириш каби нозик дипломатик ўйинларни бир чеккага йиғиштириб, бу ҳаракатни «қурол кучи ҳамда зўравонлик

билан» бутунлай тор-мор қилиш тўғрисида қатъий қарорга келдилар. (Қаранг: Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 206-иш, 92-варақ.)

Туркистон fronti қўмондонлигининг 1920 йил май ойи ўрталарида белгилаган бу тадбирлари қуролли ҳаракат қатнашчиларининг шаштини синдира олмади. Совет режимига қарши кураш яна ҳам қатъий тус олди. 1920 йилнинг май ойидан бошлаб ўзининг янги босқичига қадам қўйган Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракат Шермуҳаммадбек номи билан бево-сита боғлиқдир.

Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти ҳукуматининг раиси

Олтиариқ туманидаги Ғойибота (Ғарибота) қишлоғида 1920 йил 3 майда Фарғона водийси қўрбошиларининг навбатдаги қурултойи бўлди. Қурултойда Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти ёхуд Туркистон муваққат ҳукумати тузилди. Ушбу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондони қилиб сайланди. Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбек (тахминан 1899–1984) ва Олой воҳасидаги қирғизларнинг етакчиси Муҳиддинбек (тахминан 1877–1922) унинг ўринбосарлари қилиб тайинланди.

Туркистон муваққат ҳукумати Фарғона водийсидаги озодлик курашида муайян даражада хизмат қила олди. Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекнинг хотиралари ҳамда Закий Валидий асарларига таяниб Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, ҳукумат таркибига қуйидаги 6 киши киритилган эди: «Шермуҳаммадбек – ҳукумат раиси ва Олий бош қўмондон; Муллажон Қори – хавфсизлик (ички ишлар) вазири; Акбаржон Эшон – шайхулислом; Абдусалом Қори – ҳукуматнинг бош котиби; Назиржон – молия вазири; Мулла Хожи Нияз – махсус ишлар вазири». (Бу ҳақда қаранг: Baymirza Hayit. Turkistan im XX Jahrhundert. – Darmstadt, 1956. S. 202.)

Шермуҳаммадбек тайинлаган ўн иккилар кенгаши фаолият кўрсатиб, у ҳукумат ишини мувофиқлаштириб турган. Кенгаш аъзолари ҳукуматни бошқариш ва урушни олиб бориш масалалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқишган.

Бундан ташқари, 14 кишидан иборат ҳарбий идора маҳкамаси тузилди. У Олий бош ўқмондон Шермуҳаммадбек (раис), турк зобитлари Исмоил Ҳаї Бей (раиснинг ҳарбий сиёсат бўйича ўринбосари) ва Ёқуббек (раиснинг жанг ҳаракатларини режалаштириш ва ўтказиш бўйича ўринбосари), шунингдек, Алиёрбек, Юсуф Полвон, Бозорбой, Мулла Пулат, Асқар ва Нурмуҳаммадбек каби кўрбошилардан иборат бўлган. Бу маҳкама ўз маъмуратларида ҳаракатнинг бўлғуси ҳарбий амалиётлари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилган.

Мулла Умар, Жамол, Абдулазиз ва Абдусалом қозилардан иборат қозихона – мустақил суд идораси маҳкамаси ҳам фаолият кўрсатган. Идора мажлиси, яъни маъмурий кенгаш таркиби Абдулбоки бойвачча (раис), муфтий Мусо Қози, Мулла Ғойиб Назар, Мулла Йўлдош Охун ва Абдулқайомдан иборат бўлган.

Шунингдек, мустақил суд идорасига қўшимча равишда 88 кишилиқ парламент – Шўро ҳам ташкил қилинган. Шўро аъзолари ўқимишли ва нуфузли кишилар ҳисобланган. Боймирза Ҳайит Шўро таркибини қуйидагича кўрсатиб ўтади:

Ёдгор, Нуриддин, Муҳаммад Амин Полвон, Музаффар Мингбоши, Рустам Эшон, Ашурбек, Маматисо Полвон, Қурбонбой, Хусомиддин Мингбоши, Тожибой Амин, Муҳаммад Шариф Полвон, Омонбой, Каримжонбой, Мулла Ҳайдар, Абдулқодир Мингбоши, Дехқон Полвон, Ҳожи Мирбобо, Қамчи Полвон, Муҳаммад Сиддиқ, Тешабой Мингбоши, Қамбариддин Бобо, Мулла Мелибой, Саид Раҳмонхон, Мулла Авлиёхон, Миён Қудратилла, Асириддин Махсум, Абдурахмон Махсум, Ҳожи Ниёз, Исроил Хўжа, Лайли Қори, Тўхтасинбой, Норбўтахон Тўра, Комилжон Қори, Абдуллажон Қори, Муҳаммад Амин, Юнусжон Қори, Йўлбарсхон Тўра, Саид Маҳмудхон Тўра, Абдулла Амин, Мулла Ғозий, Мулла Акбар Эшон, Маҳмуд Зиё, Назиржон Қори, Мулла Турсунбой, Муҳаммаджон, Абдурахим Амин, Фидойи Хўжа, Аминбой, Маҳмуд Расулбой, Қануч Полвон, Мулла Раҳматилла, Хўжа Берди, Авлиёхон, Абдулла Қори, Мирқосим ота, Юсуф Қори, Низомиддин Амин, Мулла Ҳамиджон, Тошпулат, Нурмуҳаммад Ғозий, Тўхтасинхон, Мулла Ортиқ, Тақсимбой Мингбоши, Жабборқул, Султонидин, Қўшоқ бойвачча, Азим Хўжа, Нишонбой Амин, Алимқул Шермуҳаммад, Шурдун бойвачча, Фидойи Муҳаммад, Маҳди Маҳдум Дукчи

Эшон ўғли, Саид Мухтор, Мулла Абдулфаттоҳ, Тошмуҳаммад, Бойбўта, Абдулла Хўжа, Мулла Ерҳақ, Мир Искандар, Абдулҳафиз Ҳожи, Мулла Тошмуҳаммад, Мадат Муродбоши, Мулла Қорабой, Мулла Эргаш, Мулла Муҳаммаджон, Эгамберди. (Қаранг: *Baymirza Hayit*. «Basmaçilar». Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934). – Ankara, 1997. S. 184-185.)

Шермуҳаммадбек томонидан большевиклар чангалидан озод қилинган жойларда элликбошилик, юзбошилик, мингбошилик лавозимлари қайтадан тикланди. Қўқон хонлигида олий лавозим ҳисобланган беклик вазифасини кўрбошилар бажаришар эди. Аҳолининг кўлидан солиқларни элликбошилар йиғиб, мингбошилар орқали кўрбошиларга етказишган. Кўрбошилар эса бу маблағларни молия вазири орқали ҳукумат хазинасига топширганлар. Ун иккилар кенгаши солиқ тушумларидан иборат бу даромадни харажатлар бўйича тақсимлаган. Кўпинча бадавлат кишилар ҳисобланган йирик мулкдорлар: бойлар, савдогарлар ва уламоларга қўшимча солиқлар ҳам солинган. Ушбу тўловлар совет режими халқдан олаётган солиқлар ва тушумлардан бир неча марта кам бўлган. Шермуҳаммадбек ҳукумати томонидан зарурий эҳтиёжлар ҳамда қурол-яроғ сотиб олиш учун керакли бўлган миқдордаги маблағгина аҳолидан тўпланган, холос. Кўрбошилар ва йигитларнинг озиқ-овқат таъминоти эса улар жойлашган қишлоқлар аҳли зиммасида эди.

Шермуҳаммадбек қўшинидаги йигитларнинг саломатлигига марғилонлик Мирзахон ва олтиариқлик Эргаш табиб бошчилигидаги халқ табиблари жавобгар бўлганлар. Шунингдек, икки юздан ортиқ йигит отларни парварини қилиш билан махсус шуғулланиб турган.

Шундай қилиб, Шермуҳаммадбек раҳбарлиги остида Фарғона водийсидаги бутун кўрбошилар яхлит куч бўлиб уюшди. Мадаминбек билан бирга ёки ундан олдинма-кетин совет ҳокимиятига таслим бўлган кўрбошиларнинг аксарияти ва уларнинг йигитлари ҳам Шермуҳаммадбек қўшинлари сафига келиб қўшилдилар.

1920 йил августининг охири ва сентябрнинг бошида Туркистон fronti қўмондони М. Фрунзенинг буйруғига кўра, Фарғонадаги қўшинларнинг катта қисми Бухоро амирлигини тугатиш учун юборилди. Ушбу имкониятдан фойдаланган кўзғолончилар ҳарбий ташаббусни ўз қўлларига олиб, ку-

рашши янада кучайтирдилар. Факат 1920 йил 10–27 сентябрда улар Водил, Гурунчмозор, Чувол, Урганжи қишлоқларини қўлга киритиб, Ўш ва Қўрғонтепа темирйўл бекатларида турган қизил аскар гарнизонларига қақшатқич зарба бердилар. Ўш шаҳри, вақтинчалик бўлса-да, яна миллий кучлар қўлига ўтди. Бухоро амирилиги қурол кучи билан тугатилган кун – 1920 йил 2 сентябрда Туркистон республикаси ҳукуматининг Туркфронт қўмондони номига йўллаган мактубида «Босмачилик Фарғона вилояти ҳудудидан чиқиб, ҳатто Тошкент уездининг 8 та волостини ўзига қамраб олди», деб хавотир олиб ёзилган эди. (Қаранг: Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 300-иш, 33-варақ.)

Шермуҳаммадбек бошчилигидаги истиқлол жанглари

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати 1920 йил кузи ва 1921 йил бошларида иккинчи бор ўзининг энг юқори чўққисига чиқиши водийдаги қизил армия группаси қўмондони Д. Коноваловнинг РСФСР қуролли кучлари Олий бош қўмондони С. Каменев номига ёзган маълумотномасида қуйидагича эътироф этилган эди: «Фарғонада босмачилик 1920 йил сентябрь ойида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, яширин ҳолда ишлаётган мусулмон ташкилотлари ўз фаолиятларини бутун совет Фарғонасида авж олдирдилар ва Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга тайёрландилар». (Қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 3-рўйхат, 36-иш, 107-варақ.)

Қуролли ҳаракатнинг янгидан кўтарилишида большевистик раҳбариятнинг озик-овқат сиёсати ҳам кучли қўзғатувчи омил бўлиб хизмат қилди. 1920 йил ёзида озик-овқат развёрсткаси бутун Фарғона вилояти ҳудудида жорий қилинди, вилоятдаги барча қишлоқлар аҳолиси, демак, тўб аҳоли ҳам унга тортилди.

Шунинг учун ҳам, Туркистон АССР МИК раиси Иномжон Хидиралиевнинг таъкидлашича, «1920 йил сентябрда, баъзи маълумотларга қараганда, босмачиларнинг сони 70 000 кишига етди ва бу ҳолат кучли саросималик тугдирган». (Қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 237-варақ; 25-фонд, 1-рўйхат, 300-иш, 33-варақ.)

Андижон вилояти давлат архиви ҳужжатлари (Андижон ВДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 5-варақ; 127-иш, 156-варақ)да келтирилишича, Фарғона армия группаси инқилобий ҳарбий кенгаши (РВС) томонидан 1920 йил 13 октябрда чиқарилган 55-буйруқда водийдаги қўрбошчиларни террор йўли билан йўқотиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Паскуцкий, Коновалов ва Бирюшев имзолаган буйруқда Фарғона водийсидаги 22 та қўрбошининг боши учун катта миқдорда тўлов белгиланди. Шермуҳаммадбек (15 000 рубль), Холхўжа Эшон (10 000 р.), Парпи (7 000 р.), Нурмат, Алиёр (бек), Муҳиддинбек, Йўлчи, Раҳмонқул, Василий Донец (ҳар бири учун 5 000 р.), Рўзимат, Мама Рўзи, Исроил, Аҳмад Полвон, Эшмат Бойвачча, Омон Оқсоқол, Ойбола (ҳар бири учун 3 000 р.), Деҳқон Бойвачча, Ёрбек (ҳар бири учун 1 500 р.), Омон Полвон, Мирза Умар, Умарқул, Ислоҳқул (ҳар бири учун 1 000 р.) учун тўлов ажратилиб, бу маблағ истисно тариқасида кумуш рубль билан тўланиши таъкидланди. Айнан ушбу ҳолат ҳам совет режими қўрбошчиларга қарши шафқатсиз қатағон ва террор сиёсати йўлини тутганлигини яққол кўрсатади.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Василий Донец рус крестьянлар армиясининг собиқ командири бўлиб, Монстров бошчилигидаги крестьянлар армиясидан фарқли равишда фақат унинг гуруҳи охиригача қўзғолончилар сафида туриб, қизил армияга қарши мардонавор курашди.

1921 йил баҳорда Шермуҳаммадбек бошчилик қилган Фарғона водийсидаги қуроли ҳаракат янги куч билан авж олиб кетди. Совет қўшинлари Фарғона армия группаси штабининг «мутлақо махфий» маълумотларида келтирилишича, 1921 йил июнь-сентябрь ойларида Фарғона водийсида 200 дан ортиқ қўрбошчилар дасталари ҳаракат қилган.

Фарғона муаммоси

III уркистондаги қуроли муҳолифат фақат жанг ҳаракатлари олиб бориш билан чекланмасдан, минтақадаги совет режими раҳбарларига дипломатик воситалар билан ҳам ўз талабларини баён қилишган. Совет тарихчиларининг даъволарига зид равишда шуни айтиш лозимки, истиқлолчилар ҳамма пайт ҳам муросасиз қуроли кураш йўлини танлашган эмас. Улар музокаралар йўли билан

ҳам янги ҳокимиятга таъсир кўрсатишга, маълум маънода либерал сиёсат (келишувчанлик сиёсати) олиб боришга интиланлар. Афсуски, большевистик режим раҳбарлари уларнинг бу талабларига қулоқ солишмаган.

1921 йил баҳорда совет ҳокимияти вакиллари билан бўлган музокараларда Шермуҳаммадбекнинг энг нуфузли кўрбошиларидан бири Алиёрбек қуроли муҳолифат томонидан қуйидаги шартларни ўртага қўйди: «1. Шариатга риоя қилиш; 2. Мустақил қозилар сайлаш; 3. Озиқ-овқат тақсимотини бекор қилиш». (Қаранг: *Ўзбекистон МДА*, 17-фонд, 1-рўйхат, 716-иш, 142-варақ.) Табиийки, совет қўмондонлиги бу таклифларни рад этди. Кейинчалик қизиллар томонидан қўлга олинган Алиёрбек кўрбоши Ревтрибунал ҳукми билан 1921 йил ноябрда отиб ўлдирилди.

Ниҳоят, Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракати раҳбарлари 1921 йил август ойида бўлган Туркистон республикаси Советларининг X съездига диний, хўжалик ва сиёсий масалаларга оид қатор шартлар билан яна бир бор мурожаат қилдилар. Улар шариатга йўл бериш, масжид, мадраса ва мактабларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш, вақф ерларини қайтариш, савдо-сотик ва бозор муносабатларига йўл очини, деҳқончилик хўжалиги ва ҳунармандчилик корхоналарига рухсат бериш ҳамда кўрбошилар гуруҳларини қизил армия сафига қабул қилиш каби шартларни қўйган эдилар. Музокараларда тинч аҳоли вакиллари ҳам иштирок этди. Шундай экан, қўзғолончилар қўйган бу талаблар аynи пайтда Фарғона халқининг ҳам талаби эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди.

Ҳулаас, Туркистон республикаси Советларининг X съезди (1921 йил 21–25 август)да ва ундан сал олдин бўлган Туркистон Компартияси (ТКП) VI съезди (1921 йил 11–20 август)да Фарғона водийсидаги қуроли ҳаракат масаласи махсус муҳокама қилинди. ТКП VI съездининг 19 августда бўлган ёпиқ мажлисида Туркистон Компартияси МК масъул котиби ва Туркистон МИК раиси Назир Тўрақулов (1892–1937) рус ва туркий (ўзбек) тилларида «Фарғона масаласи ҳақида» номли махсус маъруза қилди. (ТКП VI съезди материаллари ҳақида қаранг: *Ўзбекистон РПДА*, 60-фонд, 1-рўйхат, 1167-иш, 1–183-варақлар; 1168-иш, 1–183-варақлар; 1171-иш, 1–71-варақлар.)

Н. Тўракуловнинг фикрича, Фарғона водийси ўзининг иқлим ва жўгрофий шароитлари бўйича муайян хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат Фарғонада ўзига хос иқтисодий муносабатлар пайдо бўлишига, Россия Туркистонни босиб олгач эса бу ерда капиталистик, яъни бозор муносабатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Унинг айтишича, бу муносабатлар кейинчалик қуроли ҳаракат вужудга келишига ўзгача таъсир қилган.

Н. Тўракулов ўз фикрларини давом эттириб, «босмачилик – бизнинг органлар яқингача юритган сиёсий калтабинлик, узоқни кўра билмаслик, ношудлик ва мутаассиб сиёсат натижаси», – деб тан олади. Унинг айтишича, ҳарбий органларнинг расмий статистик маълумотларига кўра, бу урушда ҳозиргача 200 000 киши ўлдирилган. Уларнинг кўпчилигини тинч аҳоли вакиллари ташкил қилади. Нотиқнинг фикрича, яқин пайтларгача «босмачилик»ка қарши кураш раҳбарлари бу ҳаракатни фақат шафқатсиз ва тинимсиз кураш олиб бориш йўли билан тугатишни мўлжаллаган эдилар. Бироқ курашнинг бундай усуллари ҳаракатнинг тугатишига эмас, балки унинг тобора кенгайиб, ривожланиб ва кучайиб кетишига олиб келди.

Н. Тўракулов маърузаси шиддатли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, фарғоналик делегат Алиев кескин фикрларни баён қилди. Унинг айтишича, «Ҳозирги пайтда Фарғонада битта эмас, балки тўртта ҳокимият: ҳарбий, жазо (қатагон), совет ва босмачилик ҳокимиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири Фарғонани бошқаришга интилмоқда».

Бошқа бир нотиқ Шохимуродовнинг фикрича, Фарғонада бу ҳокимиятларга қўшимча равишда бешинчи – озиқ-овқат ҳокимияти ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳокимиятлар халқни талаш билан шугулланганлар. (Қаранг: *Ўзбекистон РПДА*, 60-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 127, 129-варақлар.)

ТКП VI съездида сўзга чиққан Фарғона водийсидаги қизил аскарларнинг командирларидан бири Коновалов маърузадаги Н. Тўракулов фикрларини кўп жиҳатдан қувватлайди. Бироқ ҳатто у ҳам «босмачилик» 1918 йил февралда бошланган бўлишига қарамай 1918 йил июлда ташкилий жиҳатдан шаклланиб, фаол ҳаракатлар қилишга ўтди, деб эътироф этишга мажбур бўлган эди.

ТКП VI съездида 12 август куни сўз олган фарғоналик делегат Ниезовнинг куюниб гапиринича, «Фарғона РВС маълумотла-

рига кўра, 250 000 киши ўлдирилган, босмачиларнинг сони эса 10 000 киши атрофида эди. Мен Фарғонадаги маълумотларга бевосита таяниб айтмоқчиманки, бу ерда қизил аскарлар томонидан 1 млн. киши ўлдирилди, қишлоқлар бутунлай вайрон қилинди, ҳеч қаерда эркаклар қолмади, фақат болалар ва аёллар мавжуд...». (Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1167-иш, 29-«а» varaқнинг орқаси.)

Н. Тўрақулов маърузаси юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан Исроиловнинг айтишича, Фарғона водийсидаги «босмачилик» фронтида 250 000 киши ҳалок бўлган. (Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 137-варақ.)

Фарғона масаласи (муаммоси) юзасидан Марказ вакиллари: ВЧКнинг Туркистон бўйича Фавқуллода вакили, РКП(б) МК Туркбюро аъзоси Я.Х. Петерс, Турккомиссия ва Туркбюро раиси М.П. Томский, Туркбюро раисининг муовини Г.И. Сафаров ҳам сўзга чиқди. Томскийнинг фикрича, «босмачилар» партизан уруши тактикасини олиб боришмоқда. Марказ вакиллари уларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш ҳақида тегишли чора-тадбирларни белгилашади. Хусусан, Петерснинг чекистлари кўплаб тинч аҳоли вакилларини «босмачиларнинг таъминотчилари» сифатида отиб ташлашган. Шунингдек, кўрбошиларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш зарурлиги, «босмачилар»нинг талончилиги ҳақида тинч аҳоли ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ ажратиш кераклиги айтилди.

Съезднинг ўша кунги мажлисида Фарғона армия группаси РВС аъзоси Березин ҳам иштирок қилиб, водийда кўрбошилар билан музокаралар ўтказилаётганлиги хусусида ахборот берди. Березиннинг сўзига қараганда, Шермухаммадбек бу пайтда кўрбошилар курултойини ўтказиб, нотиқнинг фикрича, «мухторият, шубҳали мухторият ҳақида маслаҳатлашмоқда». (Қаранг: Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 147-варақ.)

Фарғона водийсидаги истиқдолчилик ҳаракатининг Олий бош қўмондони Шермухаммадбек съезд ўтаётган кунларда совет қўмондонлигига суҳб тузиш учун куйидаги шартлар билан музоахара қилган эди:

1. Туркистонда миллий ва маданий мухторият.
2. Дин эркинлиги.
3. Халқ қозиларининг халқ томонидан сайланиши.

4. Вақф ерлари ва даромадларини ерли халқ одатлари бўйича юритиш.

5. Ер-сувени бурунги эгаларига қайтариш.

6. Молларни текшириш ва ҳукумат ихтиёрига мусодара этишни тўхтатиш.

7. Шаҳарлараро эркин товар юритиш.

8. Эркин савдо.

9. Поездларда эркин юриш.

10. Солиқларни битириш.

11. Кизил қўшинлар талончилигини тўхтатиш.

(Қаранг: Босмачилар билан сулҳ музокаралари // «Фарғона», 1921 йил 15 сентябрь.)

Бошқа архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, музокаралар нагижасида совет ҳокимияти томонига ўтган бир гуруҳ кўрбошилар Фарғона армия группаси кўшинлари қўмондони Г.В. Зиновьевнинг талаби билан хоинларча қўлга олинади ва отиб ташланади. (Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 90-иш, 335-варақ.) Бундай шароитда Шермухаммадбек кизил армия қўмондонлиги билан олиб бораётган музокараларни 1921 йил сентябрда тўхтатишга мажбур бўлади.

Бу воқеалар нафақат кўрбошилар ва уларнинг йигитлари, балки бутун тинч аҳолининг совет ҳокимиятидан яна бир бор ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди ҳамда ўз навбатида қуролли ҳаракатнинг янги куч-қудрат билан авжга чиқишига сабаб бўлди. Совет қўмондонлиги бўлса бу ҳаракатни бир пайтнинг ўзида «ўт ва қилич» билан тугатишга ҳаракат қилди. Ана шу мақсадда «босмачилик билан заҳарланган» катта-кичик қишлоқлар шафқатсизларча вайроната айлантирилди, оқибатда уларнинг тирик қолган аҳолиси совет ҳокимиятидан тобора узоқлашиб борди. Бироқ кенг миқёсдаги қатағон ва ҳарбий ҳаракатларнинг фаоллашганлиги ҳам истиқлолчиларни Ватан озодлиги учун курашдан қайтара олмади.

Большевикча режим 1921 йил 13 сентябрда Фарғона водийсида фавқулодда ҳолат эълон қилди. «Душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлаймиз» шиорини амалга ошириш бошланди. Туркбюро томонидан 1921 йил ноябрда Фарғона вилоятида ҳарбий диктатура ўрнатилди ва Туркистон фронти Инқилобий ҳарбий кенгаши (РВС) аъзоси П.И. Баранов Фарғона вилоятининг

ҳарбий диктатори қилиб тайинланди. Фақат 1922 йил февралда ҳарбий диктатура тугатилди ва Фарғона fronti РВС тузилди.

Совет кўшинлари 1921 йил сентябрда Марғилонда Шермуҳаммадбек ва Андижонда Исроил кўрбоши гуруҳига қарши бир пайтнинг ўзида ҳужумга ўтдилар. 1 ноябрда Муҳиддинбекка қарши жанг ҳаракатлари бошланди. Уч ой давомида қизил аскарлар Шермуҳаммадбекнинг асосий қароргоҳи – Гарбувани ишғол қила олмадилар. Жангларда устунлик гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда бўлар эди. Ушбу ўринда совет кўмондонлиги жуда нозик ва айёр тактикани ишлаб чиқди. Водийдаги ўзбек кўрбошиларига тоғларда ҳаракат қилаётган қирғиз кўрбошилари қарама-қарши қўйилди. Шермуҳаммадбек ва Муҳиддинбек ўртасида ўзаро келишмовчилик ва ихтилофлар туғдирилди ҳамда бу зиддиятлар янада авж олдирилди.

Совет тарихчилари қуроли ҳаракат ҳақидаги тадқиқотларида ҳаракат моҳиятини сохталаштириб, уни тор миллатчилар тўдаси, боз устига бир-бири билан ўзаро тўқнашувлардан ортмайдиган турли этник гуруҳлар шаклида кўрсатишган эди. Афсуски, Россия Федерациясининг баъзи олимлари бугунги кунда ҳам бу ғайриилмий даъволаридан воз кечишгани йўқ. Россиялик этнограф Е.А. Юрина эълон қилган бир мақоласида қуроли ҳаракатнинг миллий таркиби хусусида тўхталиб, истиқлолчилар сафидаги туб халқлар доимий равишда ўзаро жанжаллашгани хусусида ҳақиқатга зид фикрларни келтиради. (Қаранг: Юрина Е.А. Этническая ситуация в басмаческом движении // Расы и народы. Вып. 27. – М., 2001. С. 168–181.)

Кўрбошилар қурултойлари

Курултой туркий сўз бўлиб, у кенгаш, мажлис, съезд маъноларини англатади ҳамда туркий халқлар ва мўғул халқида қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кенгашлар ва мажлисларнинг умумий номидир. Туркистон тарихида қурултойлар қуйидагича ўтказилган:

1) Туркий халқларда қурултой ва ҳарбий кенгаш ўтказиш анъанаси қадимдан мавжуд бўлган. У Буюк Турк хоқонлиги (Кўктурк хоқонлиги) ва Эфталийлар (Оқ хуннлар) давлатларида пайдо бўлиб, камида бир ярим минг йиллик тарихга эга. Ҳатто айрим манбаларда ёзилишича, тахминан 3000 йил муқаддам –

Буюк Хунн давлати (Хунн хоқонлиги) даврида ҳам қурултойлар ўтказилган. Салжуқийлар ва усмонлилар сулоласи вакиллари қурултойларда ўз султонларини сайлашган. Мўғуллар давлатида (Чингизхон ва унинг ворислари даврида) қурултой ҳокимият бошқарувининг олий шаклига айланган эди. Амир Темур ва те-мурийлар даврига келиб, қурултойлар ўзининг мукаммал тузи-лишига эга бўлган. Қурултойларда мамлакат ҳаётидаги жиддий сиёсий ва иқтисодий масалалар ҳал қилинган, у муҳим ҳарбий юришлар арафасида ўтказиладиган ўзига хос катта маросим-га айланган. «Темур тузуклари»да қурултой (ҳарбий кенгаш) ўтказиш тартиблари ҳақида сўз боради. Бобурийлар давлати-да ҳам бу тартибга амал қилинган. Қурултойларда мамлакат ҳукмдори ва қўшин қўмондони сайланган.

Қурултой ўтказиш Низомига кўра, унинг ҳар бир иштирок-чиси ўз фикрини эркин равишда билдириши мумкин бўлган. Қурултой қатнашчиси бўлган амир (ҳарбий саркарда) ва бек-ларга муайян кучлар томонидан тавсия этилаётган номзодлар ҳақида ошқора ва ҳеч қандай монеликсиз фикр-мулоҳаза айтиш ҳуқуқи берилган. Сайловлар ошқора ва тенг асосларда ўтган. Сўнгра сайловда ғолиб чиққан номзодни пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) авлодларидан бўлган саййидлар қоқ ерга тўшалган оқ ки-гиз ёнига етаклаб келишарди. Мамлакат ҳукмдори ёхуд ҳарбий қўшиннинг Олий бош қўмондони қилиб сайланган шахс ша-риат қонунларига биноан иш кўриши лозимлиги тўғрисида муқаддас Қуръони каримни қўлида тутиб, қасамёд этиши керак эди. Сўнгра нуфузли уруғ бошлиқлари (бийлар) ва беклар уни оқ кигизга солиб, кўтариш маросимини бажо келтиришган. Бу анъана Ўрта Осиёда хонликлар даврида ҳам (XX аср бошларига-ча) сақланиб қолган.

2) 1917 йилда Бутун Туркистон мусулмонлари томони-дан ўтказилган 4 та анжуман. Уларнинг охиригида Туркистон Мухторияти ташкил топган (1917 йил 26–28 ноябрь).

3) Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасида олий давлат ҳокимияти органи. 1920–1924 йил-ларда Бутун Бухоро ва Бутун Хоразм халқ вакиллариининг бешта қурултойи бўлиб ўтган.

4) Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат раҳбарлари томонидан ташкил қилинган идора. Туркистон ва-танпарварлари қурултойларда ўз ҳарбий йўлбошчиларини

сайлашган, қизил армияга қарши курашдан сабоқ ва хулосалар чиқариб, бўлғуси жанг режаларини муҳокама қилишган. Қурултойларда Олий бош қўмондон (Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Иброҳимбек, Анвар Пошо, Салим Пошо, Мулла Абдулқаҳҳор, Жунаидхон ва б.) билан биргаликда ҳарбий дасталарнинг қўмондонлари – кўрбошилар ҳам сайланган. Шунинг учун истиқлолчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан уюштиришда кўрбошилар қурултойларининг аҳамияти жуда катта бўлган. Афсуски, истиқлолчилик ҳаракати тарихида кўрбошилар қурултойларининг тутган ўрни совет даврида мутлақ бузиб кўрсатилди ва сохталаштирилди.

5) XX асрда Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги ходимлари – пахтакорлар, чорвадорлар ва шу қабиларнинг эски йил якуни ва янги йил режалари муносабати билан ўтказиладиган республика, вилоят ва туман йиғинлари номи.

Ушбу ўринда сўз кўрбошилар қурултойлари ва унда Шермуҳаммадбекнинг тутган ўрни ҳусусида кетади.

Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун шимолдан келган ёв – россиялик қизил аскарларга қарши фидокорона курашган истиқлолчилар совет сиёсатчилари ва тарихчилари томонидан «босмачи» ва халқ душмани сифатида кўрсатилиб, қарийб 75 йил давомида жамоатчилик фикри шу йўналишда шакллантирилган эди. Тоталитар ва авторитар режим ҳукм сурган йилларда кўрбошилар фаолияти, хусусан, Шермуҳаммадбек жасорати, улар ташкил қилган ҳукуматлар, кўрбошилар қурултойлари идораси (институти) илмий жиҳатдан ҳолис ўрганилмади. Ҳолбуки кўрбошилар қурултойлари Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати тарихида муҳим роль ўйнайди.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилар 1921 йил январь-сентябрь ойларидаги жангларда 2 500 йигитларидан ажралишди. Ана шундай шароитда Бош қўмондон Шермуҳаммадбек Марғилон атрофида кўрбошиларнинг умумий қурултойини чақирди. Қурултойда уламолар ва айрим тараққийпарварлар ҳам қатнашдилар. Шермуҳаммадбек водийда юзага келган янги сиёсий ва иқтисодий вазиятда курашнинг ўзига хос тактикасини танлаш лозимлигини, энди кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, қизил армия қисмларига зарба бериш кераклигини таъкидлади. (Қаранг: *Ўзбекистон РПДА*, 60-фонд, 1-рўйхат, 1332-иш, 84-варақ.)

1921 йил декабрь ойининг бошларида Шермуҳаммадбек Кичик Олой воҳаси орқали Шарқий Бухорога ўтди. Бу ерда у Бухоро Республикасидаги кўрбошилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб боришга ҳаракат қилди. Шермуҳаммадбек билан Шарқий Бухородаги қуроли ҳаракатнинг етакчиси Иброҳимбек ўртасида (кейинчалик Анвар Пошо билан ҳам) мулоқотлар бўлганлигини айрим тарихий адабиётлар тасдиқлайди. (Қаранг: *Ali Bademci*. 1917-1934. *Turkistan milli Istiklal Hareketi ve Enver Pasa...* S. 163.) Лекин Қоратегин беклигида Шермуҳаммадбек билан Фузайл Махдум ўртасида баъзи низолар ҳам юзага келди. Натижада Шермуҳаммадбек 1922 йил январь ойининг бошларида, жуда ноқулай об-ҳаво шароитига қарамасдан, Қоратегин беклигидан доvon орқали Фарғона водийсига қайтиб келди.

1922 йилнинг баҳори, хусусан, апрель ойида Туркистондаги қуроли ҳаракат ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. 1922 йил 10-15 апрелда Бойсундаги Кофирун кишлоғида Туркистон кўрбошиларининг Анвар Пошо бошчилигида катта қурултойи ўтказилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. 15-20 апрелда эса Самарқанд шаҳрида Туркистон мусулмонларининг II қурултойи ярим очиқ ҳолатда бўлиб ўтди. Бу қурултойни Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти фаоллари уюштирган эди. Унда Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги барча нуфузли кўрбошилар ўнтадан йигитлари билан, шунингдек, Хоразм ва Бухоро республикасида кўплаб кўрбошилар, Сирдарё, Закаспий, Оқмўла (Актюбинск) вилоятларидан кўплаб вакиллар иштирок этдилар.

Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, анжуманда Фарғона водийси ҳарбий муҳолифатининг раҳбари Шермуҳаммадбек истиқлол кураши ҳақида катта маъруза қилди. Қурултой охирида 7 бўлим ва 36 банддан иборат махсус Резолюция қабул қилиндики, у Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон-турк мустақил ислом жумҳуриятининг Муваққат Конституцияси – Асосий Қонуни эди. Бу ҳужжат Туркистон ўлкасидаги Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Ёттисув, Закаспий вилоятлари ҳамда Амударё бўлими эндиликда Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти таркибига киритилганлигини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унда Туркистон муваққат ҳукумати 15 кишидан иборат бўлиши, улар орасидан мамлакат президенти, вице-

президенти ва бош котиб сайланмоғи, бу уч кишидан иборат Ижроия Қўмитаси пойтахтда доимий равишда ишлаши кўзда тутилган эди. Ҳукуматнинг бешта аъзоси Фарғона водийсидаги Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон, Ўш каби бешта вилоятнинг ҳарбий бошлиқлари қилиб тайинланадиган бўлди. Қолган 7 киши эса ҳарбий; ташқи ишлар; ички ишлар, почта ва телеграф; диний ишлар; молия; адлия; транспорт вазирлари қилиб тайинланиши керак эди. (Қаранг: *Baymirza Hayit. Turkistan im XX Jahrhundert. S. 203–208.*)

Шундай қилиб, Шермуҳаммадбек бошчилигида 1920 йил май ойидаёқ тузилган Туркистон муваққат ҳукумати Самарқанддаги курултойда расмий тасдиқланди. Афсуски, ҳукумат аъзолари бу кўҳна ва муқаддас шаҳарда бир ойдан ортиқ тура олмадилар. Чунки уларни қизил армия қисмларининг кучли зарбаларидан ҳимоя қилиш тобора қийинлашаётган эди. Шунинг учун ҳукумат ўз қароргоҳини куруллой ҳаракатнинг маркази бўлган Фарғона водийсига кўчирди. Фақатгина уч ой мобайнида ҳукумат ўз қароргоҳини беш марта ўзгартиришга мажбур бўлди (Самарқанд, Наманган, Ўш, Марғилон атрофидаги Ғойибота ва Норин).

Халққа мурожаат

Шермуҳаммадбек кўрбоғи томонидан доимий равишда турли хитобнома ва мурожаатномалар чиқарилиб, улар варақалар ҳолатида кўшиндан ташқари бутун Туркистон ўлкаси аҳолиси орасида тарқатилган. Ўзбек тилида араб имлосида ёзилган бундай мурожаатномаларнинг кўпчилиги бутунги кунда Москва, Тошкент, Фарғона, Андижон ва бошқа шаҳарлардаги архивларда сақланиб қолган. Бу мурожаатномалар чекистлар қўлига тушгач, улар варақаларни рус тилига таржима қилиб, тегишли идораларга топширишган. Совет ҳокимияти раҳбарлари ва ҳарбий қўмондонлик Шермуҳаммадбекнинг бундай мурожаатномаларидан даҳшатга тушган. Чунки бу мурожаатномаларда Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг моҳияти очиқ берилган ва қизил армия аскарларининг бутун кирдикорлари фош этилган.

Ана шундай мурожаатномалардан бири 1921 йилга тегишли бўлиб, у Андижон вилояти давлат архивининг 90-фондида

сақланиб қолган. Бу мурожаатнома матни тарихчи олимлар Р. Шамсутдинов ва А. Қодировнинг 1999 йилда «Фан ва турмуш» журналида эълон қилинган «Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар» номли мақоласида келтириб ўтилган. Биз ушбу мурожаатнома матнини қуйида тўлиқ келтириб ўтмоқчимиз:

Туркистон ўлкаси барча миллатларига!

Туркистон ўлкаси Мусулмон қўшинлари Бош қўмондони кураш-чан Шермуҳаммадбек Ҳазратининг

МУРОЖААТНОМАСИ

Ушбу билан барча миллатларга эълон қиларканман, худога шукрки, хундан-кунга куч-қудратимиз тобора ортиб бормоқда. Менинг барча қўмондонларим деярли ҳар куни Туркистонда яшайётган ва бошавойлардан безор бўлган рус ва мусулмон аҳолиси ўз қуроллари, кийим-кечаклари билан сафимизга қабул қилинаётганликлари ҳақида хабар бермоқдалар. Биз уларни ихтисос-лиги бўйича лавозимларга қўймоқдамиз ва уларнинг иззат-иқромини ҳам жойига қўймоқдамиз. Улар бошавойлар яшайётган жойларда, шаҳарларда ва бошқа жойларда етишмовчилик, ёппасига очарчилик ва тартибсизликлар ҳукм сураётганини билдирмоқдалар. Биз томони-мизга ўтган бу кишилар озик-овқат билан тўла таъминланмоқда ва улар ўзларининг ҳаёт муҳитидан қониқаётганини билдирмоқдалар. Хорижий маълумотларга қараганда, четдаги давлатлар бошавойлар нима сабабдан туркистонликларга тўла мухторият бермаётган-ни ҳолда, «Туркистонга аллақачон мухторият берилган», деган ёлгон гаплар айтаётганликларидан газабга келаётир. Ҳозирги вақтда бу чет эл давлатларига бошавойлар аблаҳ, ёлгончи эканликлари ҳамда уларнинг касби ҳар қандай вақтда ҳам меҳнаткашларни ва айбсиз камбағал аҳолини талаш ва ўлдиришдан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди. Шу туфайли бу барча хорижий давлатлар ўз муҳитидан аблаҳ бошавойларни улоқтириб ташлашига қарор қилдилар ва улар-ни тугатиш учун катта уруш очдилар.

Агарда ҳозирги вақтда бошавойлар туркистонликларга тўла мухторият берсалар, у ҳолда биз, туркистонликлар, ҳеч қандай зарар келтирмаймиз. Агардаки, тўла мухторият бермасалар, у ҳолда биз юрагимиз ва танамизда охириги қонимиз қолгунча Ватан учун ку-рашамиз, яккаю ягона Тангри таоло, Муҳаммад пайгамбаримизнинг

шариати йўлида қурбон бўлишга тайёрмиз. Динимиз, ватанимиз учун бутун қалбимиз ва жисмимизни қурбон бериб, тўла галабага эришишни Аллоҳдан тилаймиз ва унга ибодат қиламиз.

Муслмон қўшинлари Бош қўмондони Шермуҳаммадбек

(Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-руйхат, 56-иш, 225-варақ.)

Сўнгги муҳорабалар

Фарғона вилояти қўшинлари қўмондонининг 1922 йил 5 июндаги буйруғида айтилишича, истиқлолчилик ҳаракати «йилдан йилга камайиш ўрнига, аксинча, кучайиб бормоқда» эди. Шу сабабли бўлса керак, 1922 йил 10 июнда Фарғона вилоятига РСФСР ҳарбий ишлар халқ комиссари Л. Троцкий келди. У истиқлолчилик ҳаракатига қарши бошланган қизил армия қисмларининг жанг ҳаракатларини бошқаришни ўз қўлига олди. (Қаранг: *Ўзбекистон МДА*, 17-фонд, 1-руйхат, 336-иш, 342–344-варақлар.) Қизил террорнинг асосчиларидан бири бўлган Троцкий уларга қарши шафқатсиз жазо чоралари қўллашни буюрди.

Бироқ бу пайтда қизил аскарлар Бухородан фарқли равишда Фарғона водийсидаги қўзғолончиларга қарши муваффақиятли ҳарбий ҳаракатларни ўтказишди. 1922 йил кузида Раҳмонқул кўрбоши (тахминан 1877–1922)нинг Наманган уездида жойлашган Ашоба (ҳозирги пайтда Тожикистон Республикаси Ашт тумани ҳудуди)даги кучли истеҳкоми авиация ёрдамида қизил армия томонидан босиб олинди. Ашобанинг 700–800 хўжаликдан иборат бутун аҳолиси тоғларга чиқиб кетди. Ўзи ашобалик бўлган Раҳмонқул ҳам яқин сафдошлари билан чекинишга мажбур бўлади ва орадан кўп ўтмай қизил аскарлар қўлига тушиб қолади. Раҳмонқул (Мамаузоқов) ва унинг Турсунбой, Каримқул, Оллобой, Абдусаттор каби 5 та биродари ҳамда оила аъзолари, Абдумуталлиб, Кичкина Эргаш, Абдутолиб, Мамажон, Абдуғафур, Йўлдошбой, Бобоҳўжа, Эрмуҳаммад сингари ўнга асосий кўрбошилари 1922 йил 27 ноябрь–2 декабрда Қўқон шаҳрида бўлган Туркфронт РВС трибунали сайёр сессияси томонидан отишга ҳукм қилинди ва 2 декабрда улар зудлик билан отиб ташландилар. (Қаранг: *Наманган ВДА*, 13-фонд, 1-руйхат,

14-иш, 106–112-варақлар; Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 209-иш, 1–6-варақлар.)

1922 йил декабрь ойида қизил армия қисмлари Фарғона водийсидаги қуроли ҳаракатга яна кучли зарба беришга муваффақ бўлдилар. Ҳарбий куч-қудрат ва сон жиҳатидан устун бўлган қизил аскарлар қатор ғалабаларга эришдилар. Натижада 1922 йил декабрь ойининг ўзида муҳолифат қўшинидаги йигитлардан 1 582 таси ўлдирилди. Бунинг устига, Фарғона водийси халқи ҳам 5 йил давом этган узлуксиз жанглардан анча чарчаган эди.

Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон муваққат ҳукумати 1922 йил охирига келиб тарқалиб кетишга мажбур бўлди. Шермуҳаммадбекнинг ўзи эса қатор жанглардан кейин 1922 йил декабрнинг сўнги кунларида укаси Нурмуҳаммадбек ва кўрбоши Тўхтасин Мақсуд билан умумий сони 450–500 йигитдан иборат гуруҳни олиб, олдин Бухоро республикаси ҳудудига, 1923 йилнинг баҳорида эса Афғонистонга ўтиб кетди. (Қаранг: РГВА, 28113-фонд, 7-рўйхат, 84-иш, 16-варақ.) Унинг кейинчалик водийга яна қайтиб келиш мақсадида қилган барча уринишлари совет ҳокимияти томонидан йўққа чиқарилди.

Шермуҳаммадбекнинг ака-укалари Рўзимуҳаммадбек ва Тошмуҳаммадбек ҳам ўз биродарининг қўшини сафида озодлик жангларида қатнашган эдилар. Улар 1923 йилнинг охирида қизил аскарлар томонидан қўлга олиниб, отиб ташландилар.

Хуллас, Шермуҳаммадбек ўзининг бутун фаолиятини Туркистон мустақиллиги учун курашга сарфлади.

Муҳожирликдаги ҳаёт

Ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекнинг Афғонистонда муҳожирликда ўтган ҳаётлари анча машаққатли бўлган. Кобулнинг расмий ҳукумати совет Россияси тазйиқи билан уларга нохуш муносабатда бўлган.

1927 йили Кобулда ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати тўғрисидаги ўз хотираларини андижонлик котиб Абдулхай Махдумга айтиб туриб ёздиради. Мазкур хотираларнинг бир қисми кейин-

чалик профессор Р. Шамсутдинов томонидан Ўзбекистон магбуотида ҳам эълон қилинди.

1929 йил 15 апрелда Шермуҳаммадбек Афғонистондан кичик қўшин билан Вахш дарёси орқали Шарқий Бухорога ўтмоқчи бўлганида совет авиацияси ёрдамида ортга қайтарилди. Фақат унинг гуруҳидаги айрим бўлинмалар Ванч тумани ҳудудига кириб, совет муассасаларига ҳужум қилишга улгурди. Шермуҳаммадбек муҳожирликда ҳам Туркистон мустақиллиги учун кураш ғоясидан воз кечмади.

Шермуҳаммадбек туркистонлик муҳожирларнинг Афғонистонда тузилган «Ватанни озод қилиш» (баъзи манбаларда «Фаол») номли яширин ташкилоти асосчиларидан бири ҳисобланади. Уламолар пешвоси Саййид Мубашширхон Тарозий (1896–1977) бу ташкилотнинг бошлиғи, Шермуҳаммадбек ҳарбий кучларнинг бош қўмондони эди. Шермуҳаммадбек укаси Нурмуҳаммадбек ва муфтий Садриддинхон Шарифхўжа ўғли (1878–1946) орқали Бухоро муҳожирларининг бошлиғи Саид Олимхон (1881–1944) билан доим мулоқотда бўлиб турган. Қобул ҳукумати Иккинчи жаҳон уруши даврида Шермуҳаммадбекни икки йилча (1943–1945 йиллар) қамоқда ушлаб турган. Бу пайтда унинг укаси Нурмуҳаммадбек ҳам афғонларнинг қамоқхонасида ўтириб чиқади. Улар озодликка чиққач, Афғонистонни тарк этишди.

Шермуҳаммадбек кейинчалик маълум муддат Ҳиндистонда, 1951–1955 йилларда Покистоннинг Пешовар шаҳрида яшайди. Тарихчи олим Р. Шамсутдиновнинг ёзишича, 1951 йили Афғонистонда яшаган туркистонлик муҳожирлар Туркиядан сиёсий бошпана олишди. Ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар бу ишга бош-қош бўлдилар. Шермуҳаммадбек вақтинча Пешовар, Нурмуҳаммадбек Карочиде яшаб, 1111 кишини Туркияга жўнатишди. Ниҳоят, 1955 йили Шермуҳаммадбек ўз оиласи билан Туркияга келди ва то умрининг охиригача Туркиянинг Адана шаҳрида ҳаёт кечирди.

1970 йил 10 мартда Шермуҳаммадбек, 1984 йил 10 январда Нурмуҳаммадбек Адана шаҳрида вафот этишди. Шермуҳаммадбекнинг ўлими туркистонлик муҳожирлар учун катта йўқотиш бўлди. Ўша кунлари Аданада мотам эълон қилинди. Унинг дафн маросимига минглаб кишилар йиғилди. Маросим қатнашчилари Туркистон Миллий байроғи ва

Шермухаммадбек тобутини кўтарган ҳолда бутун шаҳарни айланиб чиқишди. Шермухаммадбек Адана шахридаги улкан қабристонда дафн этилган. Унинг қабри устига ўрнатилган мармартшоҳда лотин ёзувида «Туркистон истиқлол мужодаласи Бош қўмондони Шермухаммад Бек 78 ёшида 10 март 1970 тарихинда Хақнинг раҳматига қовушмуштир», деган сўзлар ўйиб битилган.

Шермухаммадбекнинг авлодлари бугунги кунда Адана, Истанбул (Туркия) ва Нью-Йорк, Боонтон (АҚШ) шаҳарларида яшашади.

Шермухаммадбекнинг хотиралари

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати тарихини ўрганишда Шермухаммадбек кўрбошининг хотиралари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, мазкур хотиралар милодий 1927 йил февраль ойи (ҳижрий 1345 йилнинг шаъбон ойи)да Кобулнинг Боғи Алимардон деган жойида ака-ука Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбек тилидан андижонлик Абдулхай Махдум томонидан ёзиб олинган. Абдулхай Махдум 99 ёшида 2008 йил августда Туркиянинг Адана шахрида вафот этди. Унинг ўғли, таржимон ва ижодкор Чигатой Кўчар айни пайтда Адана шахрида истиқомат қилади.

Бу хотиралар биринчи марта 1930 йилда Мустафо Чўқай муҳаррирлигида Францияда чоп қилинаётган «Ёш Туркистон» журналида ўзбек тилида араб имлоси билан нашр этилди. Кейинчалик хотиралар Туркияда ҳам бир неча марта эълон қилинди. Бу хотираларни туркиялик машҳур тадқиқотчи Али Бодомчи (1949 йил 1 мартда туғилган) ўзининг 1975 йил Истанбулда чоп этилган турк тилидаги «1917–1934. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати. Кўрбошилар ва Анвар Пошо» (1-жилд) номли китобида босиб чиқарди.

Ушбу сатрлар муаллифи 2009 йил март ойида Адана шахрида бўлганида Чигатой Кўчарнинг хонадонига бой шахсий кутубхонасида бўлиб, унда хотираларнинг асл нусхасини кўрган ва кўчирма олган эди. Шунингдек, хотираларнинг нусхаси Аданада истиқомат қилувчи иқтисодчи ва тарихчи Али Бодомчининг шахсий кутубхонасида ҳам мавжуд бўлиб, муаллиф бу ерда ҳам қўлёзма ва китоблар устида ишлади.

Андижон Давлат университети профессори Рустамбек Шамсутдинов 1995 йил октябрь-декабрь ойларида Нью-Йорк (АҚШ)да бўлганида, Шермухаммадбекнинг ўғли Давронбек ва жияни Анварбек томонидан унга хотираларнинг бир нусхаси тақдим этилади. Р. Шамсутдинов бу хотираларни 1997 йили «Фан ва турмуш» журналарида ҳамда 2006 йили «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари» номли китобда эълон қилдирди. Биз хотираларнинг ушбу нашрини тайёрлашда асл нусха ҳамда Туркия ва Ўзбекистон нашрларини қиёсий жиҳатдан таққослаб, уларга таяндик. Шермухаммадбек хотираларининг матни қуйидагича:

«Муҳтарам орқадошлар!

...Русияда ҳуррият тарафдорлари Русия императорлигига қарши бир ҳаракат этишибдур. 1336 ҳижрийда, мутобик 1917 исавийда мухториятларини олиб ҳар миллат ўз ҳуқуқига соҳиб ўлуб, икки йил ҳуррият тарихи ила ҳукм сурди. Бу ҳукумат ташкил ўлуб, усули салтанати усули машварот-ла тақдил этилдилар. Оқибат мухториятчилара қарши инқилобчилар ҳуруж қилиб, коммунист ёки большевик шиори ила буюк бир тўфон келтурди. Бу тўфоннинг ҳашаротлари ва заҳарлари-ла ҳайвонотлари бечора оқ гуруҳларни ҳалок этиб, мухториятни-да маҳв этди. Бу муҳораба икки йил давом этди. 1336 ҳижрийда большевизм галаба қозониб, уларнинг раҳнамоси асли яҳудий ва кейин руслашмиш Ленин номи-да бир инқилобчи ўлуб, бутун Русияда ҳоким ўлди. Сўнгга бу большевизмга Русия ва мусулмон миллатчилари такрор исён этиб, бир тарафдан муҳораба очдилар. Жумладан, Туркистоннинг Фаргона, Хива ва Бухоро атрофларидан чўх мужоҳидлар майдони муҳорабайа отилдилар. Булардан машҳурлари, етти йил давомида гайрат этганларидан икки кимса эди. Бири Фаргона мужоҳидлари раиси Шермухаммадбек эса, иккинчиси Бухоро мужоҳидлари раиси Иброҳимбек эди...

Шермухаммадбек жаноблари зотинда бир ўзбек жамоасиндан ...ўлуб, оталари Кўшоқ Мирзо ҳожи номли бир зот эди. Булар отадан тўрт эр вужудга келиб: биринчиси Тошмухаммадбек, иккинчиси Рўзимухаммадбек, учинчиси Шермухаммадбек, тўрттинчиси Нурмухаммадбек ва бешинчиси Тошмухаммадбек эди. Булардан учинчилари Шермухаммадбек большевизмдан ватанларини қутқармоқ учун 1917 да муҳорабага отилиб чиқди. Бу зот ибтидоий чиқдигинда юз нафарча йигитлари ила гайрат этиб, икки сиза тарофинда мингларча асқарларга соҳиблик ўлди. Шул вақтда Фаргонани ҳар бир атрофидан чиқмиш мужоҳидлар бошлиги, қўрбоши номи ила

шуҳратланиб, умуман бир раислари йўқ эди. Сўнгги саҳифаларда ёзилмиш 8 нафар қўмондон бир қўрбошиликда ҳокими мулкдор каби ўз аскарларига ҳукм юритар эди. Сўнг бу қўрбошилар қувват топиб, 1918 да мазкур Шермуҳаммадбек умуман Фаргона мужоҳидларига раис ўлди. Бу раисликда тўрт йил давом этди. Бу вақтда юз минг мунтазам аскарларга молик ўлуб, бир эр каби фармон этар эдилар. Шу 1922 сана Шарқий Бухородан Анвар Пошо марҳум қариши иш очиб, Шермуҳаммадбекни кўмак учун чақирди.

Жавобан Шермуҳаммадбек кўмак учун биродари Нурмуҳаммадбекни икки минг қаҳрамон йигитлари ила юбориб, ортидан ўзи ҳам Анвар Пошо марҳум хузурларига юрдилар. Бахтсиз миллат Туркистон иқболи йўқлигидан бу мужоҳидлар ҳар бирига етушмасдан, аввал Шарқий Бухоронинг бир қарияси атрофинда Балжувон номли шум бир ерда руслар тарафидан даҳшатли бир ҳужум Анвар Пошо устинуна отилиб, бу ерда доҳий, машҳур қаҳрамон ғозий Анвар Пошони шафоқат қони-ла бўяди.

Одами ислом учун битмас даражада бир жароҳат ва алам тортилди. Сўнг Шермуҳаммадбеклар етишиб, бу воқеадан чўх аламли ва ғамгин ўлди. Сўнг етти кунга таъзия маросимларини адо этиб... очмоқ учун келмиш Сомийбек (Салим Пошо – Қ.Р.) ила биргаликда иш қилмоқ бўлдилар. Оқибат бу икки мужоҳидларга ҳаргиз бадбахтлар ёлгон сўзлар тошиб, ўрталарига бир буюк адоват солди. Шермуҳаммадбек Сомийбекдан ажраб, тоғ тарафга юрмоқчи бўлди. Сомийбек қувлаб ўққа тутди. Ўртада бир неча адад йигитлар шахид ўлуб, қувватлари бўлинди. Сўнг ҳалокатлар бири ортидан бири келиб Сомийбек-да, бошқаси-да бир тарафга қочди. Фурсатдан истефодаланиб, Русия буюк ҳужумлар этди. Шермуҳаммадбек жаноблари шу 1324 да 300 (уч юз) аскарлари хоки муқаддас Афғонистон Бадахшониди, Хонободда давлат тарафидан бир неча ой меҳмон этилдилар. Сўнгга мазкур сана давлати Хитойга бордилар. Ул ерда давлати Англиядан кўмак сўраб, Русияга қариши такрор муҳораба очмоқчи ўлдилар. Сўнгга Хитой тарафасидан юриб, такрор Афғонистонга келуб, бу ерда давлати олия чўх кўмак ва пуллар берилиб, туз тотилдилар. Бу вақтда алар Кобўлда муқим бўлиб, бир ойда минг рупия ҳукумат тарафидан кўмак олиб турардилар. Камина хизматкоринда Нурмуҳаммадбек биродарлари ва бошқа 15–20 нафар йигитлари ҳозирдирлар. Атрофлари ила муҳорабалар этишиб, миллат вазибаларинда чолишиб турмоқдалар. Аллоҳ жалла жалалуҳу бек соҳибнинг мақсудларина ҳосил этсун. Омин!»

Мазкур хужжатда Фарғона водийсида большевикларга қарши курашган лашкарбошилар, қўрбошилар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

«Шермуҳаммадбек 23 ёшида большевизмга қарши курашга киришиб, аввал 13 минг, сўнгра 103 минг лашкарга эга бўлган. Унинг етакчилигида Эргашбек, Мадаминбек, Холхўжа Эшон, Парпибек, Муҳиддинбек, Омон Полвон, Нурмуҳаммадбек, Жонибек Қозилар миллий озодлик йўлида кураш олиб борганлар.

Қўқонлик Эргашбек 35 ёшида 6 йил уруш олиб борган, 12 минг аскари бўлган, муҳораба майдонида шаҳид бўлган.

Марғилонлик Мадаминбек 23 ёшида 10 минг аскари билан уч йил уруш олиб борган, 1920 йил майида шаҳид бўлган.

Ўшлик Холхўжа 43 ёшида 8 та лашкар бошлиқлари, 10 минг аскари бўлган; бир гуруҳ йигитлари билан Олой водийсида қор кўчкиси тагида қолиб кетган.

Андижонлик Парпибек қўрбоши 35 ёшида 8 нафар лашкар бошлиқларига, 10 минг жангчига эга бўлиб, 5 йил кураш олиб борган. 1921 йили Сузоқда шаҳид бўлган.

Қўқжарлик Муҳиддинбек 40 ёшидан бошлаб 11 та лашкарбоши, 13 минг қирғиз йигитларидан иборат жангчилар билан 7 йил уруш олиб бориб, шаҳид бўлди.

Наманганлик Омон Полвон 6 лашкарбоши, 8 минг аскар билан 7 йил жанг қилиб, шаҳид бўлган.

Яккатутлик Нурмуҳаммадбек 18 ёшида 7 йил уруш олиб бориб, кейинчалик Туркияда вафот этган.

Ўзганлик Жонибек қози миллий курашни бошлаганида 50 ёшда эди. У 4 нафар лашкарбошига ва 10 минг аскарга эга бўлиб, 7 йил уруш олиб борган, сўнг Шарқий Туркистонга муҳожир бўлиб ўтиб кетган.

Эргашбек қўрбошининг қўли остида қуйидаги лашкарбошилар бўлган:

- Қўқонлик Эшмуҳаммадбек, 35 ёшда;
- Олтиариқлик Тўйчибек, 35 ёшда;
- Қўштегирмонлик Мирзо Улугбек, 25 ёшда;
- Яйпанлик Ислоҳ Полвон, 35 ёшда;
- Бешариқлик Ҳамдам Ҳожи, 35 ёшда;
- Қиссақўзлик Усмон дев, 30 ёшда;

Олтиариқлик Султон Ғозий, 40 ёшда;
Воруҳлик Мулла Пўлат, 30 ёшда;
Сўхлик Абдурахим Махдум, 45 ёшда.

Мадаминбек қўрбошининг қўли остида қуйидаги лашкарбо-
шилар бўлган:

Найзақайрағочлик Солиҳ Махдумбек, 30 ёшда;
Наманганлик Исмоил Полвон, 32 ёшда;
Қалмоқлик Усмонбек, 33 ёшда;
Оқёрлик Қозоқбойбек, 26 ёшда;
Қоракийиклик Хошим Полвон;
Имомоталик Холхўжа Соҳиб қори, 35 ёшда;
Аравонлик Йўлчибек, 32 ёшда;
Булоқбошилиқ Теша Қайсар, 30 ёшда;
Ўшлик Оқсоқ Ниёз, 25 ёшда;
Ўшлик Нўъмонбек, 20 ёшда;
Сузоқлик Мулла Умрзоқбек, 40 ёшда;
Ўшлик Саид Аҳмадбек, 25 ёшда;
Султонободлик Йўлдош Полвон, 30 ёшда.

Буларнинг ҳаммаси большевиклар билан жангларда шаҳид бўлган. Уларнинг ҳар бири қарамоғида 1 000–1 200 нафардан ўзбек ўғлонлари бор эди.

Андижонлик Партибек қўрбоши қарамоғида 7 нафар лашкарбоши бўлиб, ҳар бирида 1 000–1 200 йигит бўлган бу лашкарбошилари ҳам большевикларга қарши олиб борилган жангларда қаҳрамонларча шаҳид бўлишган. Улар қуйидагилардир:

Хирабеклик Юнусбек қўрбоши, 45 ёшда;
Омончўралик Исроилбек;
Урганжилик Маҳкам Хожи, 40 ёшда;
Мирободлик Қозоқбой, 25 ёшда;
Мулла Абдураззоқ, 30 ёшда;
Андижонлик Охунжон, 35 ёшда;
Мирза Тоға, 50 ёшда.

Омон Полвоннинг қўли остидаги лашкарбошилар:

Қуршоблик Раҳмонқулбек, 40 ёшда;

Балиқчилик Йўлдош Чумоқ, 30 ёшда;

Хўжаободлик Сотиболди қоли, 32 ёшда;

Балиқчилик Рўзимуҳаммадбек, 27 ёшда;

Хивалик Ҳожи Тўрабек, 35 ёшда;

Момохонлик Бойтуманбек, 35 ёшда.

1 000–1 200 йигитларга раҳбарлик қилган бу лашкарбошилар ҳам шаҳид бўлганлар.

Мазкур ҳужжатта кўра, Нурмуҳаммадбекнинг қўмондонлиги остида қуйидаги 25 нафар лашкарбоши бўлган (энг ёши 18 ёшлик):

Кумариқлик Сотиболди Соҳиб, 18 ёшда;

Гарбувалик Умар билан Тошмуҳаммад;

Абусиёлик Дардақбек;

Қорасоқоллик Эргаш Полвон ва Юсуф Полвон;

Сувкечиклик Асқарбек;

Чеклик Раҳматали;

Хонариқлик Жўрабек ва Эргаш;

Тевагумлик Авлиёхон Тўра;

Гарбувалик Рўзимуҳаммад;

Қизилоёқлик Аҳмад Полвон;

Зилхалик Алиёрбек ва Ғанихон;

Сўқоқлик Тўхтасин;

Хўжаҳасанлик Умарали қулоқ;

Толмозорлик Мулла Хотам;

Шўрбулоқлик Муҳаммад Рўзибек;

Коросконлик Юсуфжон Маҳмуд;

Жугонлик Мулла Пўлат;

Шокир қўрбоши;

Тожиққишлоқлик Қўшмурод;

Олтиариқлик Қорабой;

Найнаволик Муҳаммадали.

Жонибек Қозининг ихтиёрида 4 нафар лашкарбоши бўлиб,
улар ҳам большевизм билан курашда шаҳид бўлганлар:

Шамсибек, 47 ёшда;

Олайқулик Жамолбек, 30 ёшда;

Ўзганлик, қуршоблик Қодирбеклар, 35 ёшда, қирғиз;

Қуршоблик Путиков, 34 ёшда, рус».

1927 йили Қобулдаги Боғи Алимардонда айтилган хотира
ва тузилган шаҳид лашкарбошилар рўйхатидан кейин мана бу
сўзлар битилган:

«Қабрингда роҳат топ, миллат шаҳидлари, ёш Фаргона
муҳоҷидлари, қаҳрамонлари.

Яшасун миллат қаҳрамонлари.

... Оҳ, Фаргона!»

(«Фан ва турмуш», 1997 йил, 2-сон, 18–20-бетлар.)

Шермуҳаммадбек шаънига айтилган туҳмат тошлари

Бутунроссия Фавқулудда комиссияси (ВЧК), сўнгра
Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ)нинг
Шарқ бўлими мудир, миллати армани бўлган че-
кист Георгий Агабеков XX аср 20-йилларида Туркистон АССР ва
БХСРда жосуслик ишлари билан шуғулланган. Анвар Пошпонинг
Шарқий Бухорода – Балжувонда 1922 йил август ойида ҳалокатга
учрашида унинг ҳам қўли бор. Ўн йилдан ортиқ вақт давомида
чекист сифатида жуда кўп беғуноҳ одамларни қон қақшатган Г.
Агабеков ўз «этиқоди»га хиёнат қилиб, 1929 йили ўрталарида
хорижга қочиб кетади. Унинг «Махфий миссия» номли хоти-
ралар китоби 1930 йили Парижда рус тилида нашр этилгач,
Ўрбда катта шов-шув бўлиб кетди. Г. Агабеков 1937 йилда НКВД
агентлари томонидан хорижда ўлдирилди. Г. Агабековнинг кито-
би 1998 йили Москвада ҳам рус тилида нашр қилинди.

Ўзининг разилонга қилмишларини хотираларида усталик
билан ниқоблаган ва коммунистик мафкурага қарши «кураш»
эълон қилган ана шу кас Европа давлатларида яшаб юрган дав-
рида ўзининг ифлос панжасини Шермуҳаммадбекка қарши
чўзади. Г. Агабеков Парижда чиқаётган «Ёш Туркистон» жур-

налида (1930 йил, 11-сон) Шермуҳаммадбек ҳақида тухмат ва бўҳтонга тўла хотира-мақола эълон қилади. Мақолада ёзилишича, Шермуҳаммадбек қўрбоши гўёки чекистлар ва у билан ҳамкорлик қилган эмиш. Журнал таҳририятининг бу мақолани чоп этишдан мақсади, Шермуҳаммадбек тухматчиға қарши раддия ёзажаги ва большевикларнинг собиқ жосусини фош қилишиға ишонади. Айни пайтда таҳририят томонидан Г. Агабеков мақоласига қуйидагича шарҳ берилади:

«Биз ҳақиқий Туркистон миллиятчиси бўлган Шермуҳаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устиға отилмоқда бўлган доғни тозалаб олажағига ишонамиз».

(«Yas Turkistan». 1930. №11. 19–23-бетлар.)

Орадан маълум муддат ўтгач, журналнинг бу сони билан танишган Шермуҳаммадбек таҳририятга ўзининг раддиясини юборади. «Мана энди, – дейилади журнал хайъатининг навбатдаги шарҳида, – Шермуҳаммадбек ўз раддиясини юбориб ўтирубдур.

Бу раддия бўлмаса ҳам бизнинг Шермуҳаммадбекка нисбатан ишончимиз камайгани йўқ эди. Бу Шермуҳаммадбекка раддияси ила большевикларнинг шайтонлигини яна бир дафъа ортуқ майдонга чиқарган бўладур».

«Ёш Туркистон» журнали бу шарҳ билан Шермуҳаммадбекнинг Кобуддан Парижга йўллаган қуйидаги мактубини чоп этади. Биз ушбу мактуб матнини «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари» (Тошкент: Шарқ, 2006) китобиға киритилган профессор Р. Шамсутдиновнинг «Фаргона қўрбошилари» номли мақоласида келтирилган матн асосида бериб ўтишни лозим топдик:

«Севикли афандилар!

Чин кўнгулдан қайнаб чиққан арз ила ихлос-ҳурматларимни қабул этингиз. «Ёш Туркистон» журналида бурунги чекистлардан Огабековнинг хотираларида меним устимға айтилгон кир бўҳтонни ўқиб, жуда ўқиндим ва бу журналнинг ўз пайтида менға келиб етмаганиға кўп қайғурдим.

Тангри ярлақасин, шу кунларда мухтарам муфти Садриддинхон ҳазратларининг Кобулға келиб қолишлари журналнинг бу масала ила алоқадор сонини ўқиб чиқишимға сабаб бўлди. Шу пайтдаёқ қўлимға қалам олиб, ўзимнинг миллий муқаддас вазифамни бажаришға, устимға ҳақсиз отилган қора тухматни итқитиб ташлашға қарор қилдим.

Истакли афандилар! Бизнинг миллий ва эзгу вазифаларимизни оңглашиб, чизиб ўтишларингизга чин юракдан миннатдорлик қиламан. Тўғри, Туркистоннинг ҳур тирилиши учун кўкрагини кериб, курашиб ўлган мингларча Туркистон шаҳидларининг муборак қонлари масъулияти устимизда эканлигини биз, мужоҳидлар, сира унутмаймиз.

У муҳтарам шарафлик шаҳид тугонларимизнинг қонлари бизни бундай кир манжус тузоққа илинмаслигимизни амр этади. Оё бу кунларда большевикларнинг мингларча миллат ходимларимизни ноҳақ ўққа тизиб турғонда қандай бир виждонсиз ҳоин уларнинг кўмагига қўл узатади экан?..

Мен Огабеков ва унинг манжус идораси ГПУ вакиллари билан ҳеч вақт ҳеч қандай ерда кўришмадим. Пул ҳам олмадим, ҳақимдаги сўзларнинг бошдан-оёқ қип-қизил ёлгон эканини очиқ-ойдин эълон қиламан.

Огабековнинг қўлида мени қоралайтургон кичкина бир далил бор бўлса, мана, майдон, марҳамат этсин! ГПУ тузоғига илин-диган айғоқ қони менда йўқ. Мен бошқа мужоҳидлар билан бирга шараф билан миллатимнинг қутулиши учун чалишдим. Кўксимни ўққа девор қилиб уришдим. Ўша синашда душманимиз бўлган зolim большевиклар ила бундан кейин ҳам урушишга ҳозирман.

Муҳтарам афандилар!

Меним юқорида ёзгон кичкина раддиямни мендан бўлмагон сабабларга биноан кечикишига қарамай, журналингизга босиб, дунёга тарқатсангиз, бўйнимга буюк бир миннат қўйгон бўлур эдингиз.

Тулиқ ҳурматларимни қабул этингиз.

Шермуҳаммадбек.

Афғонистон. Кобул.

8 ноябрь 1934 йил».

(Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: Шарқ, 2006. 103–104-бетлар.)

Шермуҳаммадбек кўрбошига қилинган тухматлардан яна бири уни Мадаминбек ўлимига алоқадорликда гумон қилиш ва айблашдир. Ушбу сатрлар муаллифи 2011 йилда «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриётида чоп қилинган ўзининг «Мадаминбек» тарихий рисоласида Мадаминбекнинг сир-

ли ўлими тўғрисида махсус тўхталиб ўтган эди. Бу ўринда эса Шермуҳаммадбекнинг бу фожиага алоқаси йўқлигини яна бир марта таъкидлаган ҳолда мавзуга оид айрим фикрларни айтиб ўтишни лозим топдик.

Шермуҳаммадбекнинг ўзи XX аср 60-йилларида совет тарихчилари ва айрим ғаламисларнинг Мадаминбек ҳалокатида уни айбдор қилишларига «Америка овози» радиоси орқали қуйидагича жавоб берган:

«Мадаминбекнинг ўлимига мен айбдор эмасман. Уни уруш чиқариш мақсадида ўша пайтдаги 1-армия қўмондони Зиновьев отириб, дарёга ташлаб юборган».

Туркиялик иқтисодчи ва тарихчи олим Али Бодомчи ўзининг «1917–1934. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати. Қўрбошилар ва Анвар Пошо» (1-жилд) номли машҳур асарида ёзишча, Мадаминбекни чекистларнинг топшириғи билан Сойиб Қори ва Лутфуллоҳ Маҳдум ўлдириб, Бухорога қочиб кетганлар. Бу ҳақда уларнинг ўзлари кейинчалик эътироф этишган. Али Бодомчи Мадаминбек қўрбошини Шермуҳаммадбек ўлдирган, деган фикрни тамоман рад этиб, Мадаминбекни большевикларнинг ўзи ўлдиртириб юборган, деган хулосага келади. Биз ҳам шу фикрдамиз. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан 1994 йилда ёзилган «Фаргона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 й.)» мавзuidaги номзодлик диссертациясида Мадаминбекнинг ҳақиқий қотили большевиклар ва қизил армия қўмондонлиги вакиллари эканлиги таъкидланган.

Биз билан бўлган ўзаро суҳбатда Шермуҳаммадбекнинг қизи Саодатхон ая ва жияни Анварбек акаларнинг айтишича, Мадаминбек қўрбоши Шермуҳаммадбекнинг ёшликдаги дўсти, большевикларга қарши биргаликда курашиш учун қасам ичган 7 йигитнинг бири Мадаминбек бўлса, иккинчиси Шермуҳаммадбек эканлиги, Шермуҳаммадбек ўз қуролдош дўсти хотирасига хурмат сифатида неварасига унинг исmini қўйганлиги (Саодатхон аянинг 1947 йил Кобулда туғилган катта ўғли Муҳаммадамин Бек деб аталади; у ҳозир Истанбулда яшайди), катта қизи Саодатхон (у 1930 йил Кобулда туғилган) га Мадаминбекнинг рафиқаси Саодатхон ая Абдураззоқ қизи (1903–1994)нинг номини берганлиги, укаси Нурмуҳаммадбек эса Мадаминбекнинг холаваччасига уйланганлигини тушунтириш-

ди. Шермуҳаммадбек ҳар доим хорижда Мадаминбекни миллий қаҳрамон сифатида эъзозлаб келган.

Хуллас, Шермуҳаммадбек кўрбошига у ҳали қуролини қўлдан қўймаган даврда ҳам, тириклик пайтида ҳам, ўлиmidан сўнг ҳам қилинган турли тухмат ва маломатлар замонларнинг даҳшатли пўртаналари остида бир совун кўпигидек ажралиб, йўқликка учиб кетмоқда. Шермуҳаммадбек эса тарих ҳукми олдидан ёруғ юз билан ўтиб, XXI асрдаги баркамол ўзбек наслига пешвоз чиқмоқда.

Узоқ кутилган дийдор

Шермуҳаммадбекнинг шахсий ҳаёти ҳам фаолияти сингари мураккаб кечган. Шермуҳаммадбекнинг авлодлари ва яқин қариндош-уруғларидан ёзиб олинган хотиралар асосида унинг oilаси ва фарзандлари тўғрисида мухтасар маълумотлар бермоқчимиз.

Шермуҳаммадбек Фарғона водийсида қизил армияга қарши кураш олиб бораётган 1921 йилда, архив ҳужжатларида келтирилишича, шохимардонлик Мамажон мингбошининг 13 ёшлик қизи Солияхон (1908–1941)га уйланади. Шермуҳаммадбекнинг биринчи рафиқаси бўлган Солияхон Маъмурова эри муҳожирликка кетгач, Фарғонада яшаб қолади. Уларнинг фарзанди бўлмаган. Коллективлаштириш даврида бу аёл колхозга кириб, эл қатори турмуш кечиради.

Тошлоқ тумани Оқсоқ қишлоқ советининг Терактош қишлоғида истиқомат қилган С. Маъмурова 1937 йил 3 декабрда совет органлари томонидан қамоққа олиниб, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. С. Маъмурованинг акалари Мамадали ва Маҳмуд Маъмуровлар ҳамда амакиваччаси Нормат Холиқов ҳам қамалади. У жазони Вятка лагерларида ўтайди. Улар совуқ ўлкаларда ҳалок бўлишган. С. Маъмурова ўлиmidан сўнг 1989 йилга келибгина оқланди. Шермуҳаммадбек эса Кобулда яшаб турган пайтда, 1924 йили Андижондан бу ерга келиб қолган Зулфинисо исмли қизга уйланди. Зулфинисо 1898 йили Андижонда туғилган бўлиб, машҳур Миркомилбой (1882–1918)нинг жияни бўлган. Бу никоҳдан Давронбек (1927 йил), Саодатхон (1930 йил), Жаҳонгир ва Хосиятхон исмли фарзанд-

лар Кобулда дунёга келди. Жаҳонгир ва Хосиятхон ёшлигида вафот этишган. Уларнинг онаси – Шермуҳаммадбекнинг рафиқаси Зулфинисо ая 1977 йили 79 ёшида Адана шаҳрида вафот этди. Ҳозир Шермуҳаммадбекнинг тўнғич ўғли Давронбек ака 84 ёшда бўлиб, АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Боонтон шаҳрида яшайди. Саодатхон ая бугунги кунда 81 ёшда бўлиб, у Туркиянинг Адана шаҳрида истиқомат қилади. Саодатхон ая 1946 йили Кобулда ўшлик Саиджонга турмушга чиққан бўлиб, бу никоҳдан Кобулда Муҳаммадаминбек (1947 йил), Маҳамат Сиддиқ (1950 йил), Покистонда Мунаввар Човуш (1952 йил), Аданада Хосият (1962 йил), Муҳаммад Усмонбек (1965 йил), Меҳринисо Авжи (1969 йил) ва Умарбек (1955–1967) номли 7 фарзанд туғилган.

Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбек ҳам дастлаб Фарғонада уйланган. Биринчи хотинининг исми Саодатхон бўлиб, бу никоҳдан Абдулҳамид туғилган. Айрим архив ҳужжатларида келтирилишича, Нурмуҳаммадбекнинг бир тўқоли ҳам бўлиб, у қирғиз Муҳиддинбек кўрбоши (тахминан 1877–1922) нинг қизи бўлган ва Нурмуҳаммадбек унга 1921 йилда уйланган.

Нурмуҳаммадбек муҳожирликка жўнаб кетганда, бу аёллар Ватанда қолишган. Нурмуҳаммадбекнинг ўғли Абдулҳамид ҳам СССР ҳудудида қолиб кетган бўлиб, у 1940–1941 йиллардаги совет-фин урушида ҳалок бўлган.

Нурмуҳаммадбек 1930 йил Кобулда Собирахон исмли қизга уйланган. Ундан икки фарзанд: Анварбек номли ўғил (1934 йил туғилган) ва Сурмахон исмли қиз (1936 йил туғилган) кўришган. Собирахон ая 1960 йили вафот этгач, Нурмуҳаммадбек Аданада 1963 йили Ҳурияхонимга уйланган. Бу никоҳдан бола туғилмаган.

Нурмуҳаммадбекнинг ўғли Анварбек ака бугунги кунда 77 ёшда бўлиб, у АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Боонтон шаҳрида рафиқаси Мунаввар Каримжон қизи билан истиқомат қилади. Сурмахон эса амакиси Шермуҳаммадбекнинг ўғли Давронбекка 1953 йил Кобулда турмушга чиққан бўлиб, у ҳам ҳозирги пайтда Боонтон шаҳрида оиласи билан яшайди. Давронбек ака ва Сурмахон аянинг Аданада туғилган Савилой (1959 йил), Ойдинбек (1961 йил), Отиллабек (1964 йил), Чингизбек (1966 йил) номли 4 нафар фарзандлари бор.

Ушбу сатрлар муаллифи Тошкент шаҳрида 1997 йили Шермуҳаммадбекнинг АҚШда яшовчи невараси Ойдинбек (1961 йил Аданада туғилган; Давронбекнинг ўғли; артист Гулчехра Фозилжонованинг куёви) билан учрашди ва суҳбатлашган эди. 2008 йил июль ойида Тошкентда Шермуҳаммадбекнинг жияни Анварбек ака (Нурмуҳаммадбекнинг ўғли) билан уч кун давомида қизгин мулоқот бўлди. Анварбек ака 1934 йили Кобулда туғилган бўлиб, у киши айна пайтда АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Боостон шаҳрида истиқомат қиладилар. Ниҳоят, 2009 йил март ойида Адана шаҳрида Саодатхон ая билан узок кутилган учрашув юз берди. Бу суҳбатларда Шермуҳаммадбек фаолияти ҳақида нодир маълумотлар олинди.

Шундай қилиб, марғилонлик Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек кўрбошилар ўз ҳаётларини она-Ватан – Туркистон озодлиги ва истиқлоли учун курашга бағишлашди. Уларнинг бири – Марғилоннинг мард йигити Мадаминбек ана шундай курашлар жараёнида 28 ёшида сирли ва ноаниқ тарзда ҳалок бўлди. Мадаминбек кўрбошилар томонидан ўлдирилган, деган фикр узок йиллар давомида исбот талаб қилинмайдиган қараш (аксиома)га айланди. Ҳолбуки, Мадаминбекнинг 1920 йили сиёсий ва ҳарбий саҳнани эрта тарк этишидан энг аввало большевиклар ва қизил армия кўмондонлиги манфаатдор бўлган. Шунинг учун ҳам Мадаминбекнинг ҳақиқий қотили большевиклар эди.

Марғилонлик шер йигитларнинг сараси Шермуҳаммадбек эса (у Мадаминбекдан бир ёш кичик бўлган) совет режимиға қарши олти йил давом этган шиддатли жанглардан сўнг 1923 йил бошларида 30 ёшида Ватан тупроғини тарк этишға мажбур бўлган эди. Ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек кўрбошилар қолган умрларини турли давлатларда муҳожирликда ўтказишди. Шермуҳаммадбек ҳаётининг сўнги 47 йилини, Нурмуҳаммадбек эса қолган 60 йилдан ортиғини Ватан дийдорига талпиниб, юрт соғинчи билан яшаб ўтди. Бироқ ака-укалар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини кўра олмай муҳожирликда вафот этишди. Халқимиз истиқлол напидасини юрак-юракдан ҳис қилиб турган мана шундай қувончли ва фарахбахш кунларда марғилонлик бу фидойилар ҳаёти ва фаолиятини хотирлаш, улар жасоратидан ўрнат олиш ўзбекистонлик ҳар бир ватанпарвар йигит-қизнинг қалб амрига айланмоғи лозим.



Шермуҳаммадбек совет режими даврида Кўршермат (жангларнинг бирида унинг чап кўзига ўқ теккан эди) деб таҳқирланган ва унинг жанговар фаолияти сохталаштирилган эди. Хайриятки, вақт барча нарсани тартибга солди. Бугунги кунда Шермуҳаммадбекнинг серқирра фаолияти тўғрисида Туркия, Ўзбекистон, Италия, Германия ва бошқа мамлакатларда кўплаб китоблар ёзилган. Ўзбек ҳайкалтароши Абдумалик Убайдуллаев Шермуҳаммадбекнинг ҳайкалини яратган. Истеъдодли ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг «Тарки дунё» (2009) роман-хроникаси ҳамда ўрмончи ижодкор Мансурхўжа Хўжаевнинг «Шермуҳаммадбек кўрбоши» (2008) номли тарихий бадиаси нашр этилди.

Шермуҳаммадбек ҳақидаги ҳангомалар

Буюк шахслар тўғрисида халқ ҳамма пайт ўз фикрини айтиб келган. Бу фикр турли даврларда замона зайли билан жузъий тузатишларга учраса-да, халқ хотирасида сақланиб қолган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сайқаллашиб борган. Машхур саркарда ва лашкарбоши Шермуҳаммадбек тўғрисида ҳам Фарғона водийси аҳолиси ўртасида ҳозиргача турли ҳангома ва шеърлар давраларда нақл қилинади, бу ҳангомалар оғиздан-оғизга ўтиб, ХХI асрга ҳам кириб келди. Коммунистик мафкура бутун даҳшати билан Шермуҳаммадбек ва унинг хотирасига қарши курашса-да, улар ўзбек халқи тафаккуридан бу нақлларни ўчириб ташлай олмаган.

Ушбу сатрлар муаллифи кўп йиллардан буён ана шундай шеърлар, нақллар ва латифаларни тўплаб юради. Бу латифа ва ҳангомаларнинг бир қисми мустақиллик даврида турли китобларда эълон ҳам қилинди. Қуйида ана шундай халқ оғзаки ижоди дурдоналари – биттадан шеър ва латифани китобхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз. Улар Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг «Олтиариқ ҳангомалари» (1999) китобидан олинди.

Тоғдан тушади Шермамат

(Шеър)

Белига ўқдон боғлаволиб,
Хиром этигини ёглаволиб,
Тоғдан тушади Шермамат.

Суйганини қучоқлашга,
Суймаганини пичоқлашга,
Тоғдан тушади Шермамат.

Мусулмондан нон олгани
Кобирлардан жон олгани
Тоғдан тушади Шермамат.

Нон топмаса, оч ухлашга,
Жон топмаса, қон йиғлашга
Тоғдан тушади Шермамат...

Латифа

Коравой қўрбоши билан Тўхта қўрбоши Қапчугайсойдан тик ариқ тортиб Олтиариқни тенг иккига бўлиб олмоқчи бўлишибди. Бу галва Шерматбекнинг қулогига етиб, иккала қўрбошини ҳузурига чорлабди-да, жаҳлини ютиб, сиполик билан гап бошлабди:

– Олтиариқни бўлиб олишларингга қаршилим йўқ. Аммо лекин Шакарқишлоқ у мамлакатда, Ширинқишлоқ бу мамлакатда қоладиган бўлса, охири катта тўполон чиқади.

Қўрбошилар ҳеч нарсага тушунмай бир-бирларига қараб қўйиб, яна қўмондоннинг оғзига тикилишибди.

– Шуниям тушунмайсанларми, хумпарлар? – дебди Шерматбек. – Эски гурунгларнинг хумори тутиб, шакарқишлоқликлар ширинқишлоқликларни аскияда эзгиси кепқолса, бир мамлакат иккинчи мамлакатга бостириб киради-ми?

Икки ажабтовур қишлоқ ўртасидаги чапани алоқалар Буюк Олтиариқни парчаланишдан асраб қолган экан.

(Анвар Обиджон. Олтиариқ хангомалари. (Ҳажвия ва хангомалар). – Т.: Маънавият, 1999. 32; 73–74-бетлар.)

Чўлпон
ГЎЗАЛ ТУРКИСТОН
(Шеър)

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

Билмам, на учун қушлар учмас боқчаларингда?

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,
Умидимизнинг сўнмас чироғи,
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,
Безансин энди Туркистон боғи.

Кўзал, халқим, етар шунча жабру жафолар.

Ол байрогингни, қалбинг уйғонсин,
Куллик, асорат – барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин!

Яйрат, яшнат, ўз Ватанинг гул боғларингда.

1917 йил

(Абдулҳамид Чўлпон. Гўзал Туркистон [Шеърлар].
Тошкент: Маънавият, 1997. 16-бет.)

Чўлпон

ГЎЗАЛ ФАРҒОНА

(Шеър)

Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай,
Тарқалиб кетган қора, ваҳший сочингга боғланай.
Ваҳший бир ўрмон каби бағрингни босмиштира қамиш,
Кўзларингда ҳеч кўрунмас бир олов, бир ўт ёниш.

Кенг, чўзиқ яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,
Бир қора парда босибдир тупрогингнинг устини.
Кўзларинг сўлган, ўлик руҳинг билан боқдинг менга,
Қутулишининг юлдузи асло кўринмасми сенга?

Ул баланд зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв йўлин?
Йўқмидур ўткур қилич кесмакка ёвларнинг қўлин?
Биз бутун ожиз, заиф, бағри эзилган сен учун,
Бул қадар қонлар тўкилди ул даҳидир сен учун.

Йиғлама, юртим, агарчи бул кунингда йўқ баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

1919 йил

(Хайрулла Исматулла. Чўлпон ва жаҳон//Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900–1924. Osman Hoca Anısına İncelemeler. Hazırlayan Timur Kocaoğlu. Haarlem, 2001. 233-бет.)

Аъзам Назирий

ШЕРМУҲАММАДБЕК

(Шеър)

Маънан ҳақлидурман гурурланмоққа,
Аждодларим руҳин хотирламоққа.
Шўролар ёмонлаб халоскорларни,
Келдилар уриниб ишонтирмоққа.

Она — Туркистоним узра кенг осмон,
Калхат, қузғунларга бўлганда макон.
Миллат фахри бўлган не-не алп қомат,
Алпомиш йигитлар фидо этди жон.

Шуларда шер қадам Шермуҳаммадбек,
Босқинчилар томон чиқиб борди тик.
Шунқорларни чорлаб, белини боглаб,
Хужумга отланди Мангубердидек.

Элу юрт номуси шараф-шоним деб,
Бобом Темур қўллар, бор имконим деб.
Довюрақ саркарда Шермуҳаммадбек,
Куну тун жанг этди Туркистоним деб.

Хар сўзни фикрлаб бир бор кесди у,
Шўролар ҳийласин пайқаб сезди у.
Ватан озодлигин буюк бахт билиб,
Курашда аёвсиз ёвни эзди у.

Халоскор қўшинга сайланган сардор,
Уксик кўнгилларга бўлди мададкор.
Ботир ўғлонларга йўлбошчи бўлиб,
Озодлик туғини тутди у шиор.

Бирдан бир мақсади бирлашмоқ эди,
Бир ялов остида курашмоқ эди.
Озод Ватан учун бир тан-жон бўлиб,
Тўлқинли дарёдек жўш урмоқ эди.

Бағрини тирнардди Бекнинг армони,
Кундан кунга бўлди зулм замони.
Бадкирдор хоинлар «хизмати» билан,
Узайди ганимнинг қўли, забони.

Шермуҳаммад чуқур ўйларга толиб,
Боқди самоларга нигоҳин солиб.
Ноилож юртидан айро кетди у,
Ватан туврогидан бир сиқим олиб.

Она – Ватан рамзин қалбга этди жо,
Яхшилар ҳурматин этдилар бажо.
Иzzатда яшади, аммо ёдидан,
Ўчмади Ватандан бўлгани жудо.

Тақдирга тан бериб, Турк томон кетди,
Адана туврогин паноҳгоҳ этди.
Миллат қаҳрамони Шермуҳаммадбек,
Етмиш етти ёшда оламдан ўтди.

Аллоҳ ҳақ! Шукрим етмиш йил ўтиб,
Келди истиқлолнинг шукуҳи етиб.
Руҳлари шод бўлсин халоскорларни,
Деб, сўзим тугатдим дуолар этиб.

Аллоҳ раҳмат этсин халоскорларни...
2010 йил

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдуллахонов Ж. Тарки дунё (Роман-хроника). – Т.: O'zbekiston, 2009.
2. Анвар Обиджон. Олтиариқ хангомалари (Ҳажвия ва хангомалар). – Т.: Маънавият, 1999.
3. Агабеков Г. Секретный террор. Записки разведчика. – М.: ТЕРРА – Книжный клуб, 1998.
4. Алишер Бек. Азим Дарё. Буюк жиҳод, буюк мужоҳид. – Ёзёвон, 1992.
5. Аҳмад Закий Валидий Тўгон. Бўлингanni бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). Бошқирд тилидан Ш. Турдиев таржимаси. – Т.: Адолат, 1997.
6. Алиев Х. (Хидиралиев И.) Басмачество и народное хозяйство Ферганы // «Военная мысль и революция», 1923. №4. – С. 43–49.
7. Босмачилар билан сулҳ музокаралари // «Фарғона», 1921 йил 15 сентябрь.
8. Дервиш. Ферганская проблема // «Военная мысль». Кн. II. – Ташкент, 1921. – С. 108–118.
9. Залесский К.А. Империя Сталина. Биографический энциклопедический словарь. – М.: Вече, 2000.
10. Зиёева Д.Х. Босмачилик: уйдирма ва ҳақиқат. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ курашлари тарихи нунослиги). – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
12. Краткий очерк возникновения и развития басмачества в Фергане. По данным к 1-му марта 1922 г. – М.: Изд. штаба РККА, 1922.
13. М.В. Фрунзе на фронтах гражданской войны. Сборник документов. – М.: Воениздат, 1941.

-
14. Норжигитова Н. «Босмачилик ҳаракати» ва унинг совет тузуми давридаги тарихий адабиётларда ёритилиши. – Т., 1996.
 15. Норжигитова Н. А. Историография «басмаческого движения» в Туркестане (советский период). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Т.: 1995.
 16. Раджабов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918–1924 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Т.: 1995.
 17. Ражабов К. «Босмачи»ни қандай баҳолаш керак? Истиқлолчи деган маъқул // «Фан ва турмуш», 1995, №3, 28–29-бетлар.
 18. Ражабов К.К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2000.
 19. Ражабов К., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). Ўқув қўланмаси. – Т.: Университет, 2002.
 20. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йиллар). – Т.: Маънавият, 2002.
 21. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон учун мужодалалар (1917–1935 йиллар). // «Жамият ва бошқарув», 1998. №3. 46–49-бетлар; №4. 58–64-бетлар.
 22. Ражабов Қ. Ғолиб армиянинг ... қора ишлари // «Шарқ юлдузи», 1998, №6. 163–180-бетлар.
 23. Ражабов Қ. Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати тарихининг даврлаштириш муаммолари (1918–1935 йиллар) // «O'zbekiston tarixi», 200. «1-2. 80–89-бетлар.
 24. Ражабов Қ. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида мустақил давлатчилик ғоялари // «Жамият ва бошқарув», 2002. №3. 24–29-бетлар.
 25. Ражабов Қ. Туркистон кўрбошилари қисмати // «Гулистон», 2003. №1. 31–34-бетлар.
 26. Ражабов Қ. Фарғона масаласи: муаммога янгича нигоҳ (ТКП VI съезди материаллари асосида) // «ФарДУ илмий хабарлари – Научный вестник ФерГУ», 2005. №2. 42–46-бетлар.
 27. Ражабов Қ. Миллий озодлик ғояларининг халқ оғзаки ижодида акс этиши // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2005. №3. 56–61-бетлар.
 28. Ражабов Қ. Кўрбошиларнинг ҳарбий ташкилоти ва қўшин бошқаруви // «Muhofaza+», 2005. №3. 16–18-бетлар.

-
29. Ражабов К. Қўрбошиларнинг ҳарбий ва сиёсий ташкилоти (ўзбек, рус, инглиз т.) // «Moziydan sado», 2005. №4. 29–31-бетлар.
30. Ражабов К. Шермуҳаммадбек // Хўжаев М. Шермуҳаммадбек қўрбоши (Тарихий бади). – Т.: Шарқ, 2008. 288–290-бетлар.
31. Ражабов К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати йўлбошчилари (1918 йил февраль-август) // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Т.: Фан, 1996. 52–63-бетлар.
32. Ражабов К. Қўрбошилар қурултойлари ва уларнинг аҳамияти // Турон тарихи. Тўплам. 2004. V қисм. – Т., 2004. 22–26-бетлар.
33. Ражабов К. Фарғона водийсидаги қўрбошилар: жанговар фаолияти ва қисмати // «Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари» (мавзудаги республика илмий-назарий анжумани материаллари). I жилд. – Фарғона, 2000. 169–181-бетлар.
34. Ражабов К. Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши мухолифат ҳукуматларининг фаолияти (1919–1922 йиллар) // Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона водийси (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Фарғона, 2004. 97–103-бетлар.
35. Раджабов К.К. Вооружённое движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т.: 2005.
36. Ражабов К. Қурултой // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II жилд. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2005. 163–164-бетлар.
37. Ражабов К. Босмачилик ҳаракатига оид икки ҳужжат (Инамджан Хидыралиев. Исторический обзор Ферганского басмачества (из личных наблюдений); Басмачество и народное хозяйство в Фергане) // Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар. Ҳужжат ва материаллар. Хотиралар. Иккинчи китоб. Масъула муҳаррирлар: Б. Ҳасанов, Н. Каримов. – Т.: O'qituvchi, 2010. 195–245-бетлар.
38. Ражабов К. Мадаминбек // «JannatMakon», 2008. №3. 52–61-бетлар.
39. Ражабов К. Шермуҳаммадбек // «JannatMakon», 2009. №4. 34–41-бетлар.
40. Сольц И. Куршермат и автономия // «Красная Фергана», 10 июля 1921 г.

41. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: Шарқ, 2006.
42. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Шарқ, 2000.
43. Хўжаев М. Шермухаммадбек кўрбоши (Тарихий бадиа). – Т.: Шарқ, 2008.
44. Чўлпон А. Ғўзал Туркистон (Шеърлар). Нашрга тайёрловчи: Б. Дўстқораев. – Т.: Маънавият, 1997.
45. Шамсутдинов Р. «Босмачилар» ким бўлган? // «Фан ва турмуш», 1997, №1, 22–23-бетлар.
46. Шамсутдинов Р. Фарғона кўрбошилари // «Фан ва турмуш», 1997, №2, 24–25-бетлар.
47. Шамсутдинов Р., Қодиров А. Шермухаммадбек ҳаётига қизгилар // «Фан ва турмуш», 1999, №2, 14–15-бетлар; №3. 18–19-бетлар; №4. 20-бет.
48. Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917–1924 й.). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2008.
49. Юрина Е.В. Этническая ситуация в басмаческом движении // Расы и народы. Выпуск 27. – М.: 2001. – С. 168–181.
50. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Масъул муҳаррир: Д.А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2000.
51. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев, – Т.: Шарқ, 2000.
52. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). Р.Х. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
53. Ahat Andican. Ceditizmden Bagimsizliga Haricte Turkistan Mucadelesi. – Istanbul, 2003.
54. Bademci, Ali. 1917–1934. Turkistan Milli Istiklal Hareketi ve Enver Pasa. Korbasilar. 1-cilt. – Istanbul, 1975.
55. Costagne, Jozeph. Turkistan Milli kurtulus Hareketi (Ekim 1917 – Ekim 1924). Basmacilar. – Istanbul, 1980.
56. Ismatulla, Khayrulla. Colpan ve Cehan // Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaller: 1900–1924. – Haarlem, 2001. S. 227–286.

-
57. *Hayit, Baymirza*. Die nationalen Regierungen von Kokand (Hokand) und der Alasch Orda: Dissertation, Munster, 1950.
 58. *Hayit, Baymirza*. Turkistan im XX. Jarhundert. – Darmstadt, 1956.
 59. *Hayit, Baymirza*. Turkistan Rusya ile Cin arasinda. – Istanbul, 1975. – 440 S.
 60. *Hayit, Baymirza*. Basmatschi. National Kampf Turkistans in den Jahren 1917 bis 1934. – Koln, 1992.
 61. *Hayit, Baymirza*. Turkistan Devletlerinin Milli Mucadeleleri Tarihi. – Ankara, 1995.
 62. *Hayit, Baymirza*. «Basmacilar». Turkistan Milli Mucadele Tarihi. (1917–1934). – Ankara, 1997.
 63. *Hayit, Baymirza*. Berichte und Forschungen uber Turkistan. – Koln, 1997.
 64. *Hayit, Baymirza*. Milli Turkistan hurriyet damasi. – Ankara, 2004.
 65. *Togan, Zeki Velidi*. Bugunki Turkili (Turkistan) ve yakin Tarihi. – Istanbul, 1942–1947; 2-Baski. – Istanbul, 1981.
 66. *Togan, Zeki Velidi*. Hatiralar Turkistan ve Diger Musuman Dogu Turklerinin Milli Yarlik ve kultur Mucadeleleri. – Istanbul, 1969; 2-Baski. – Ankara, 1999.
 67. Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaller: 1900–1924. Osman Hoca Anisina Incelemeler. Hazirlayan Timur Kocaoglu – Haarlem, 2001.
 68. *Turkistanli, Abdullah Receb Baysun*. Turkistan Milli Hareketleri. – Istanbul, 1945.
 69. *Tukli, Abdullah-Zade*. Fergana Mucahidleri // «Yeni Turkistan». (Istanbul). – 1928. – N 8, 9. – S. 15–21.
 70. *Yarkin, Ibrahim*. Turkistanin Buyuk Mujahidi // «Turk Kulturu». 1970. Sayi 91. – S. 495–499.
 71. *Yasavi, Sahabaldin*. Turkistan accik Hakikatlari. 2-Baski. – Istanbul, 1984.
 72. *Yas Turkistan*. Turkistan Milli Istiklal Fikrine Hezmet Eden Aylik Derdi (1929–1939). 1-cilt. – Istanbul, 1997. 1929–1930.

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Шермуҳаммадбекнинг болалиги.....	4
Қўрбошилар ким бўлган?.....	5
Ҳарб майдони сари.....	8
Шермуҳаммадбек – Олий бош қўмондон.....	10
Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияги ҳукуматининг раиси.....	13
Шермуҳаммадбек бошчилигидаги истиқлол жанглари.....	16
Фарғона муаммоси.....	17
Қўрбошилар қурултойлари.....	22
Халққа мурожаат.....	26
Сўнгги муҳорабалар.....	28
Муҳожирликдаги ҳаёт.....	29
Шермуҳаммадбекнинг хотиралари.....	31
Шермуҳаммадбек плаънига айтилган тухмат тошлари.....	37
Узоқ кутилган дийдор.....	41
Шермуҳаммадбек ҳақидаги ҳангомалар.....	44
Тоғдан тушади Шермамат (шеър).....	45
Латифа.....	45
Чўлпон. Гўзал Туркистон (шеър).....	46
Чўлпон. Гўзал Фарғона (шеър).....	47
Аъзам Назирий. Шермуҳаммадбек (шеър).....	48
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	50

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Қахрамон Кенжаевич Ражабов,
тарих фанлари доктори

ШЕРМУҲАММАДБЕК

(рисола)

ўзбек тилида

Мухаррир В. Умиров
Техник муҳаррир У. Хамутов
Компьютерда матн терувчи С. Ражабова
Мусахҳиҳ Н. Сайдахмедова
Дизайнер Г. Насридинова
Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдахмедов

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.
Телефон: (+99871) 241-0169
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu_mc@uzconsult.org
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашр. лиц. АИ № 090, 16.07.2007. Босинга 24.03.2011 йилда рухсат этилди.
Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$. Шартли босма тобоғи 3,25. Нашр тобоғи 3,5.
Адади 2000. Буюртма №11-025.
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ
матбаа бўлимида босилди.

2945

“ТАРИХ ВА ТАҚДИР”

рукнида чоп этилаётган рисоалар:

- | | |
|----------------------------|------------------------|
| 1. АМИР ТЕМУР | 16. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ |
| 2. АЛП ЭР ТҮНГА (АФРОСИЁБ) | 17. НАЖМИДДИН КУБРО |
| 3. ТУН ЯБҒУ-ХОҚОН | 18. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД |
| 4. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ | 19. АЛИШЕР НАВОИЙ |
| 5. УЛУҒБЕК | 20. МАҲДУМИ АЪЗАМ |
| 6. БОБУР | 21. МАШРАБ |
| 7. МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН | 22. МУҚАННА |
| 8. УБАЙДУЛЛАХОН | 23. КАТТА ЭРГАШ |
| 9. АБДУЛЛАХОН II | 24. МАДАМИНБЕК |
| 10. НАСРУЛЛОҲОН | 25. ШЕРМУҲАММАДБЕК |
| 11. ШОҲМУРОД | 26. ЖУНАИДХОН |
| 12. АМИР ОЛИМХОН | 27. ИБРОҲИМБЕК |
| 13. УСМОН ХҲҶА | 28. МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР |
| 14. ФАЙЗУЛЛА ХҲҶАЕВ | 29. ҲАМРО ПОЛВОҲ |
| 15. АБУ АЛИ ИБН СИНО | 30. ПҮЛАТ СОЛИЕВ |

ISBN 978-9943-336-74-2



9 789943 336742



“ABU MATBUOT-KONSALT”